

Буюк шахсларни
миллат қайғуси,
халқ дарди
яратади.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 8-avgust, chorshanba № 63 (8504)

TAQDIRIMSAN, BAXTIMSAN, ERKIN VA OBOD VATAN!

БУ КУН ЭЗГУЛИКНИНГ ҒАЛАБАСИДИР!

... Ҳа, Истиқлол эзгуликининг ғалабаси. Асрлар давомида халқимиз юрагидаги энг улуғ орзу-умидларини Ватанинг озодлиги, эркинлиги билан боғлаб келган. Юртда ҳурлик насимлари эса бошлаши қалбларнинг қат-қатларидаги мудроқ туйғуларни уйғотди. Дил тубидаги ниятлар юз кўрсата бошлади. Бу акс садо, энг аввало, ижод аҳли, қалам соҳибларининг чиқишларида диллардан-дилларга кўча бошлади. Мамлакатимиз мустақиллигини шарафлаб, халқимизни бир жон, бир тан бўлиб, бу азиз неъматни асраб-авайлаш, муҳташамлашга қорловчи асарлар битилди, куйлар яратилди, қўшиқлар ижро этилди ва бу жараён давом этмоқда. Дарвоқе, барча замонларда ҳам шоир ва ёзувчилар сафларнинг энг олдинги қаторларида бориб халқни уйғотиш, уларни эзгуликлар сари ундаш,



Ватан равнақи учун жон куйдиришдек ёруғ манзилларга бошлаш бобида яловбардорлик қилишган. Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов ўзининг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида «Агар биз Ўзбекистони-

мизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улугламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тар-

биялашимиз керак. Нега деганда улуг адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса — миллат яшайди» дея алоҳида тўхталиб ўтганлари ҳам бунинг яққол далилидир.

(Давоми 2-бетда.)

СОҒЛОМ МУҲИТ ШАРОФАТИ



2012-yil — Mustahkam oila yili

Фарзанд камолотида оиладаги соғлом маънавий муҳитнинг ўрни бекиёс. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида оила институтини мустаҳкамлашга қаратилаётган алоҳида эътибор замирида ҳам ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашдек эзгу мақсад мужассам.

Сурхондарё вилояти Шеробод тумани «Ғамбур» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Акбар Сатторовнинг оиласини мустаҳкам маънавий пойдевор асосига қурилган кўрғон дейиш мумкин. Акбар Сатторов фуқаролар йиғинида котиб бўлиб ишлайди. Аёли Дилдора Болтаева — 5-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси.

Ёш, зиёли оилада уч ўғлон вояга етмоқда. Уларнинг тарбиясига ота ҳам, она ҳам бирдек масъулият билан қарайди.

Суратда: Акбар Сатторов аёли Дилдора Болтаева ва фарзандлари Ҳасан, Ҳусан ҳамда Юсуф билан.

Фарход АБДУРАСУЛОВ (Ўза) олган сурат.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

**БАХТИМ
ИҚБОЛИНГГА
ТУТАШДИР,
ВАТАН!**

3-бет

**“YURTIM,
SENGA JONIM
FIDO”**

(Ta'lim muassasalarida
mustaqilligimizning yigirma
bir yillik bayramini o'tkazish
bo'yicha metodik tavsiya)

6-бет

**ХИЗМАТИНГИЗ
ГЎЗАЛ
БЎЛСА...**

11-бет

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган Зулфия номидаги Давлат мукофоти адабиёт йўналишида совриндор бўлган қизларнинг «Сени қўлайман, Ватан!» дея номланган мушоирасига тўпланган жамоатчилик вакиллари, элимизнинг ардоқли шоир ва ёзувчилари ҳам бу ҳусусда тўхталиб ўтишди.

— Биз сизнинг сиймон-гизда оқила ва доно, фарзандларини юртга фидойи



БУ КҮН ЭЗГУЛИКНИНГ ҒАЛАБАСИДИР!

этиб тарбиялагувчи бўлгуси оналаримизни, оиласининг тинч-тотувлиги, мустаҳкамлигини таъминлашдек масъулини нозик елкаларида кўтариб юра олгувчи бекаларимизни, жамиятимизнинг жамики жабҳаларида олдинги сафларда тургучи замондошларимизни, адабиётимиз, шеърятимизнинг гўзал вакиллари кўрамыз. Сиз вафо ва садоқат тимсоли бўлган Зулфия опамизнинг издоши сифатида барча ўзбек хотин-қизларини ўз ортингиздан эргаштирасиз — деди тadbирни олиб борар экан, жумладан, ўз сўзида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов. — Сиз моомаларимизнинг ушалмаган орзуларини ушлатирасиз. Бугунги дориломон замонда яшаётганингиз сизнинг бахтингиз, саодатингиздир!

— Ўтган ўн уч йил давомида Зулфия номидаги Дав-

лат мукофоти 182 нафар қизларимиз муносиб топилган бўлса, улардан 42 нафари ижод мashaqqatlaridan завқ-шавқ топиб, улкан дарёга қўшилмоқ орзусида тинимсиз меҳнат қилаётган бўлажак шоира, адiba қизларимиздир, — дея таъкидлади Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова. — Ушбу мушоирани ташкил этишимиздан мақсад, аввало, ушбу қизларимизнинг ижодини тарғиб этиш, уларнинг ўз тенгдошларини ватанпарварлик руҳида камол топишидаги ҳиссасини кучайтириш, адабиёт олдидagi масъулиятини ошириш, шунингдек, уларнинг энг сара асарларини китоб ҳолида нашр этиришига кўмаклашишдир.

Навбат мушоирага берилганда, кўксиларига гўзал шо-

ирамизнинг сиймоси муҳрланган давлат мукофоти ярашиб турган қизларнинг юрагидан тўкилган байтлар бир-бирига улашиб, қалбларни ҳаяжонга тўлдирди.

— Мен ўз шеърларимни инглиз тилига таржима қила-йман, — дея машқларини ўзбек, инглиз тилларида ҳаяжон билан ўқиди Меҳриноз Аббосова.

Дилафрўз Усмонова эса ижодидан айрим намуналарини хитой ва ўзбек тилларида йиғилганлар ҳукмига ҳавола этиб, олқишларга сазовор бўлди.

Тadbир сўнггида қизларга ҳомий ташкилотларнинг совгалари топширилди. Қуй-қўшиқлар эзгулик голиб келган кунларнинг шукронаси янглиғ байрам сурурини кўнгилларга жо этди.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.

ТАЛАБА-ЁШЛАР ШИЖОАТИ

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик байрами муносиб кутиб олиш мақсадида жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган талабаларнинг «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилояти бўлимида маълум қилишларича, жорий йил вилоятда ташкил этилган «Бунёдкор» меҳнат гуруҳларига жалб

«Bunyodkor — 2012»

этилган талабалар эгаллаётган мутахассислиги билан боғлиқ қурилиш-таъмирлаш, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш каби соҳалар ҳамда ёзги оромгоҳларда меҳнат қилмоқда.

Қарши давлат университети талабаларидан 520 нафари шундай меҳнат гуруҳларига жалб этилган. Улардан 250 нафари ёзги дам олиш оромгоҳларида ишлаётди. 270 нафари эса университет ҳудудидagi ўйингоҳ қурилиш ҳамда факультетлар ўқув хоналарини таъмирлаш ишларига ёрдамлашмоқда.

— Халқимизда «Хунарли хор бўлмас», деган ҳикмат бор, — дейди Қарши давлат университетининг тарих факультети талабаси Фазлиддин Аллакулов. — Моҳир курувчилардан ҳаётда асқотадиган кўп ишларни ўрганимиз. Меҳнатимиз ҳар томонлама рағбатлантирилаётгани бизга қўнғайрат бағишламоқда.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг 155 нафар талабаси институтнинг бош биноси ҳамда бир неча факультет биноларини жорий таъмирлаш ишларига кўмаклашаётди. Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг 90 нафар талабаси эса чекка қишлоқларда яшайдиган ёшларимизни интернет тармоғидан фойдаланишга ўргатмоқда, уларнинг ахборот технологиялари бўйича билимларини кенгайтиришга ҳисса қўшмоқда.

Мухтасар айтганда, анъанавий равишда ташкил этилган «Бунёдкор» меҳнат гуруҳлари талаба-ёшларнинг юртимизда амалга оширилаётган ўзгаришларга ҳисса қўшиши учун қўшимча имконият яратиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, талабалар ўзлари эгаллаётган мутахассислик бўйича олган билимларини амалиётда мустаҳкамлаш имконига эга бўлмоқда.

Ф.ХОЛМИРЗАЕВ,
ЎЗА мухбири

ҚУВНОҚ ЎТАР ЁЗНИНГ ҲАР КУНИ

кенг қамраб олган тўғараклардан бири. Маълумки, бунда қизлар матоларга мунчоқлар ёрдамида турли шакллари ни туширишди. Улар орасида ўғил болаларни ҳам учратдик. Григорий Бакумский зардўзлик силраларини кўн билан ўрганаётган ёшлардан бири. У матода кўённинг расмини акс эттирмоқда.

хослиги билан ажралиб туради. Ўқувчилар қалам ва гуаш ёрдамида манзараларни маромига етказиб тасвирламоқдалар. Арабшула Аҳмаджонов тўғаракнинг энг фаол аъзоси. У яқинда «Менинг қишлоғим» мавзусида 10—15 ёшли ўқувчилар ўртасида ўтказилган ёш мусаввирларнинг республика кўрик-танловига 2-ўринни кўлга кирит-

ликларини тиклашлари учун шароит ҳам, эътибор ҳам етарли. Ҳамшира Лола Хайдарова ҳаммиша кичкинтойлар билан бирга. Зарурат туғилса, муолажа ўтказиш учун зарур дори-дармонлар етарли. Ҳамшира раҳбарлигида дам олувчилар асосий вақтларини қўшши ҳавода ўтказмоқдалар. Туман марказига, тоғ бағрига тез-тез саёҳатлар уюштирилмоқда.

— Tadbirлар режисида спорт мусобақалари ўтказишга кўпроқ ўрин берганмиз, — дейди етакчи Гавҳар Худойкулова. — Бундай мусобақалар ўқувчиларнинг саломатлигини тиклашга, кайфиятини кўтаришга хизмат қилади. Ана шу мақсадда оромгоҳда ички спартакиада ўйинлари йўлга қўйилган. Теннис, кўл тўпи, югуриш, волейбол мусобақалари ўқувчиларнинг энг сеvimли машғулоти. Шунингдек, миллий халқ ўйинлари — қирқтош, чиллак, улоқ, белбоғли кураш каби ўйинларнинг ҳам муҳлислари кўп.

Биз «Лочин»да бўлган кун «Дўст билан обод ўйин» мавзусида маданий-маърифий tadbir ўтказилди. Унда турли миллат вакилларининг ҳаёт ва турмуш тарзини акс эттирувчи лапарлар, қўшиқлар ва рақслар намойиш этилди. Оромгоҳнинг «Меҳржон» ракс дастасининг ранг-баранг чиқишлари дам олувчиларга олам-олам қувонч бағишлади. Дўстлик, ўзаро ҳамжихатлик, аҳлиқил мужассам этган саҳна кўри-нишлар ва мусиқий чиқишлар кўнгилларни завққа тўлдирди. Оромгоҳда тарбияланувчилар таътилни ҳар бир кунини мана шундай қизиқарли ва мароқли ўтказмоқдалар.

Абдусаттор СОДИКОВ

Саратон қўши еру кўкка олов пуркайди гўё. Қўёш тафтидан дов-дарахтлар ҳансираб нафас олади. Зомин туманининг хушманзара масканида жойлашган 29-Меҳрибонлик уйига қарашли «Лочин» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳи ҳовлисига киришингиз билан эса салқин ҳаводан дилингиз яйрайди. Мисоли қўёш жазирамаси бу маскани четлаб ўтаётгандек. Дарахтларнинг қуюқ соясида болакайлар турли ўйинлар билан банд. Арғимчоқ учаётган кичкинтойларнинг қувончи чексиз. Ариқда қўбюла «кемачилар»ни оқизаётган эркактойлар эса ўзлари билан ўзлари овора. Теннис ўйнаётган болакайларнинг атрофидаги ишқибозларнинг ҳайқирғи оламни тутган. Футбол майдонида машқ ўтказётган болаларни суҳбатга тортдик.

— Оромгоҳимизда футбол бўйича ҳар кун мусобақа бўлади, — дейди Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Хусан Каримов. — Вақти-вақти билан қўшни оромгоҳларнинг болалари билан беллашув ўтказамиз. Кеча Амир Темур номидаги оромгоҳ болалари билан ўртоқлик учрашуви ташкил этилган эди, 2:1 ҳисобида голиб бўлдик.

Дам олиш масканида ўқувчиларнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказишлари учун зарур чора-тадбирлар қўрилган. Болалар билан ишлашда ўзига хос тақрибга тўплаган етакчи Гавҳар Худойкулова таътилни ўтказишга қаратилган ўз иш дастурига эга. Режа асосида деярли ҳар кун бири-бирига ўхшамайдиган қизиқарли ўйин-мусобақалар ўтказилади. Спорт, зардўзлик, мусиқасеварлар, ёш расмолар тўғараклари мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

Зардўзлик — ўзига ўқувчиларни

Soғ'lomlashtirish oromgohlarida

— Матога қўён расмини туширишни яхши ўрганиб олдим, — дейди Григорий. — Келгусида «Сеними, шошмай тур!» мультфильмидаги Бўри ва Қўён киёфасини акс эттирмоқчиман. Бунда менга тўғарак раҳбари Марғуба Олимова яқиндан ёрдам бермоқда.

Тўғарак аъзолари яратган ранг-баранг манзаралар киши кўзини қувонтиради. Матога мунчоқлар ёрдамида туширилган давлат рамзлари, вазадар гул, бахтли болалиқни ифода этган кўринишлар кишида ҳайрат уйғотади. Дикқат билан кузатсангиз, унда ўқувчиларнинг катта истеъдод ва маҳорати жамланганлигига амин бўласиз. Бундай ҳолатни ёш расмолар тўғаригида ҳам учратиш мумкин. Тарбияланувчилар томонидан яратилган хонадон, баҳор, Ватан мавзусидаги расмлар ўзига

ди. Айни кунда у Зоминнинг бетакрор манзараларини қозғога туширишга ҳаракат қилмоқда.

Оромгоҳда кутубхона мунтазам ишлаб турибди. Ўқувчилардан Раҳим Раҳмонкулов «Ўзбек халқ эртақлари»ни яхши кўришини билдирса, Вали Нуриддинов саргузашт асарлар, хусусан, Худойберди Тўхтабоевнинг «Сарик девни миниб», «Ширин қовунлар мамлакати», «Беш болали йигитча» каби китобларини севиб муголаа қилаётганликларини айтишди. Кутубхонанинг кироатхонасида турли матбуот нашрлари мавжуд. Ўқувчилар «Тонг юлдузи», «Ғунча», «Синфдош» каби газета ва журналларни мунтазам кузатиб, ўқиб бормоқдалар.

Ёзги таътил кунлари ўқувчиларнинг мириқиб дам олишлари ва саломат-

Ёшларимиз коллежларда ўрта маълумот олиш билан бирга, касб-хунар эгаллаб, юрт хизматига бел боғлаган фарзандлар бўлиб камол топишмоқда. Ҳар бир йигит-қизнинг бир эмас, бир неча хунар эгаси бўлиб-вояга етмишига қаратилаётган эътибор самараси юрт тараққиёти жадал юксалишига ҳисса қўшиш ниятидаги ёшларнинг аниқ ва равшан мақсадлари, ҳар томонлама пухта тайёрланган бизнес режаларининг ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этилаётганида яққол кўринмоқда. Маълумки, жорий йилда коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. «Коллеж—корхона» ҳамкорлиги доирасида 501,5 минг битирувчи 92,9 мингга корхона ва ташкилотларга бириктирилди. 97,3 минг нафар битирувчи ишга жойлашиш бўйича уч томонлама шартномалар имзолади. Эндигина фаолият бошлаган бўлишига қарамай, эл қорига яраб ютук ва муваффақиятларини намоеён этаётган, ўз иш ўринларини ўзлари яратётган тадбиркор ёшларнинг интилишлари эътирофга лойиқ. Шундай ёш мутахассисларнинг фаолиятига назар солиб, уларнинг Ватан тараққиётининг йигирма биринчи одими билан ҳамоханг қадам ташлаётганига иқдор бўлиш мумкин.

— Йигит кишига етмиш хунар оз, — дейди Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежининг молия йўналиши битирувчиси Ифандиёр Эркинов. — Мен коллежда тахсил олиш баробарида пойабзал тикиш, тикувчилик, либос дизайни, компьютер кастаси (вышивка) бўйича етарли кўникма эгалладим. Хунар бир-бирини тўлдиришини, қайси йўналишда фаолият олиб борилса ҳам, масъулиятни ҳис қилиш, меҳнатни севиш ва янгиликка интилиш самарадорликка эришишда бирламчи омил эканини тадбиркорлик билан шуғулланиш жараёнида англадим. Фахр билан айта оламаник, мана шу хунарларим ортдан бир неча корхона ва ташкилотларга ишга тақлиф этилдим. Устозларим берган билиму салоҳиятни ўз бизнес лойиҳамда намоеён этишга, юртимизда яратилаётган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, ўз бизнесимни йўлга қўйишга ҳаракат қилдим. «Диплом билан бизнесга» лойиҳасида иштирок этиб, тижорат банкларидан имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлдим.

Ифандиёр ишлаб чиққан бизнес лойиҳасида трикотаж маҳсулотларининг мавсумийлиги таъминланишига эътибор қаратилган. Ёш тадбиркор гаровсиз, суғурталаш орқали олган кредит ҳисобига «Нурафшон Нур» хусусий фирмасига трикотаж машиналари ва қурилмаларини ўрнатаётти. Ҳозир ишлаб чиқариш цехининг бир қисми ишга туширилган бўлиб, фаолиятни янада кенгайтириш устида изланиш олиб борилаётти. Аҳамиятлиси, трикотаж маҳсулотлари корхонаси тўла қувват билан ишлаб бoшласа, бу яна кўплаб иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

— Хунар эскирмайдиган бойлик, — дейди Ифандиёр. — Хунаримни кенг ишлаб чиқариш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес билан уйғунлаштиришга интилолмакдаман. Орзуим — маҳсулотнинг барча учун таниш логотипига, ўз харидоримга эга бўлиш. Истеъмолчиларнинг талабларини инобатга олган ҳолда сифатли маҳсулот ишлаб чиқарсак, чет эл маҳсулотлари билан

БАХТИМ ИҚБОЛИНГА ТУТАШДИР, ВАТАН!

рақобатлаша оладиган товар тақлиф этсак, таннархни камайтиришга эришсак, марра бизники бўлади. Бунинг учун имкониятлар етарли.

— Ёш тадбиркорларга яратилаётган кўплаб шароитлар сабабли биз ҳали ўқувчи бўлсак ҳам, қизиқиш ва интилишимиз кўплаб-қувватланмоқда, — дейди Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежининг яна бир битирувчиси Абдуҳамид Низматов. — «Диплом билан бизнесга» лойиҳасида иштирок этиб, сертификат эгаси бўлдим. Бу ҳужжат бизнес режамни амалга ошириш учун кредит олиш ҳуқуқини беради. Маблағни уч йил ичида хоҳлаган пайтимда олишим мумкин. Айни кунда Тошкент шаҳар товар ҳомашё биржасида брокер бўлиб фаолият олиб бормоқдаман. Шунинг баробарида фермер хўжаликлари қошида сут ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш бўйича бизнес лойиҳамни такомиллаштирмоқдаман. Аслида, ўз устимизда жиддий ишлашимизда, ютук ва натижаларга эришимизда устозларимизнинг ҳиссаси беқиёс. Чунонки, ўқитувчи-мураббийларимиздан Севара Исмаилов, Камола Тўйчиева, коллежнинг директори Шокир Дониёров бизга нафақат таҳсилда, балки иш жараёнида ҳам доимий йўл-йўриқ кўрсатиб келмоқда.

Касб-хунар коллежи битирувчилари билан суҳбатлашиб, кичик мутахассис сифатида бошлаган қизгин фаолиятидаги илк натижаларига гувоҳ бўлиш мумкин. Қарияларимиз дуога қўл очганларида бежиз касбингдан камол топ, демайди.

Инсоннинг касби унинг бахту иқболдан нишон. Яхши ўзлаштирилган хунар — зар, инсонларга наф келтиради. Хунар бўлса қўлимда, нон топилар йўлингда, деган нақлда ҳам халқимиз


нинг хунарга ризқ бутунлиги дея қараши, ўз касбининг усталарини гоёт қадрлашига ишора бор. Касб-хунар коллежларида ана шу каби боқий қадриятларимиз этагидан тугган, ўз қизиққан соҳалари бўйича пухта билим ва малака эгаллаган ёшлар талайгина. Муҳими, улар кичик мутахассис сифатида ишга жойлашишда тўсиқларга учрамайпти. Масалан, Тошкент қурилиш ва миллий хунаромандчилик коллежи битирувчиларининг ишга жойлашуви жараёнига тўхталиб ўтадиган бўлсак, самарали кўрсаткичларни кўрамиз. Жорий йилда мазкур таълим муассасасини битирган жами 704 нафар ўқувчидан 670 нафари (95,1 фоиз) 320та кор-

қишига сабаб бўлаяпти. «Хунароманд» уюшмасининг ёш аъзоси либос дизайнидан ташқари, сопол ва чини буюмларни тайёрлаш билан шуғулланади.

— Ўтган йил мен учун омадли келди, — дейди Мадина. — «Кўли гулдир ўзбек аёлини...» аънавий кўргазмасавдосида иштирок этдим, «Камолот» ЁИХ томонидан ўтказилган кўргазмада «Энг ёш тадбиркор» номинацияси бўйича ғолиб бўлдим. «Ташаббус» танловида иштирок этишим эса олдимга қўйган мақсадларимни мустақамлади, ўзимга бўлган ишончимни оширди. Шундан бери республика ва шаҳар миқёсидаги кўргазмаларда доимий иштирок этиб келмоқдаман. Барча ютуқла-

жойлашган. Масалан, «Авто-транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш» йўналиши битирувчиси Мирсардор Мирвоҳидов Янгийўл шоҳбекати, менежмент мутахассислигини эгаллаган Сурайё Одилова транспортлар хизмати сифатини назорат этиш бошқармасига, «Кўприк ва тоннелларни таъмирлаш ва фойдаланиш» йўналиши битирувчиси Умиджон Фуломов 18-автобус саройи ОАЖга ишга жойлашди. Шунингдек, қўтлуг останада турган ўқувчилар 147 нафарни ташкил этиб, улар ичида «General motors» компаниясига ишга кириш учун синовдан ўтаётган ёшлар ҳам бор.

— Коллежимиз битирувчиларига талаб катталиги ўқувчиларимизнинг 3та мутахассислиқни эгаллаётгани билан ҳам белгиланади, — дейди Тошкент автомобил ва йўллар касб-хунар коллежи директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Салим Раҳимбердиев. — Улар ўзлари танлаган йўналишлар бўйича техник бўлиш билан бирга, В ва ВС



рим замирида юртимизда ёш ишбилармон ва тадбиркорлар учун катта имтиёз ва имкониятлар яратиб берилганга ётибди.

— Мен эса бухгалтер ёрдамчиси сифатида иш бошладим, — дейди мазкур коллежнинг бухгалтерия ҳисоби йўналиши битирувчиси Комила Камолова. — Коллежимиз йўлланмасига кўра ишга жойлашганимдан ота-онам ҳам хурсанд. Иш жараёнида устозимиз Шоира Раҳматовадан олган билимларим қўл келмоқда. Дилноза Азимова дарсларида эгаллаган кўникмаларимни ҳам амалга татбиқ этаётиман. Коллежimizда бизга билим, малака беришдан ишга жойлашишимизгача бўлган жараёнинг пухта ташкил этилаётгани ёшлар тақдирига масъулият билан ёндашилаётганининг белгисидир. Мана шу эътиборни ўзимнинг мисолимда қўраман ва дилимда шу юрт фарзанди эканимдан фахр ҳиссини туяман. Зеро, бахту иқболимиз шу юрт тараққиёти ва ривож билан туташдир.

Тошкент автомобил ва йўллар касб-хунар коллежидан битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича етарли тажриба тўпланган. 871 нафар битирувчининг аксарияти ўз мутахассислиги бўйича ишга

тоифадаги ҳайдовчи ва авточиланган бўлиб етишмоқда. Ўқувчиларимиз турли кўрик-танловларда билиму салоҳиятини намоеён этиб келмоқда. Жорий йилда ўтказилган «Касб маҳорати» танловида фаол иштирок этишди, республика миқёсида ҳам фахрли ўринларни эгаллашди.

Юрт тараққиёти ишлаб чиқаришда асосий куч бўлган кичик мутахассислар салоҳиятига ҳам боғлиқ. Юқоридаги таҳлиллар, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ўю фикрларидан кўринганидек, кичик кадрларнинг ҳар жиҳатдан етук бўлиб шаклланишига шарт-шароит етарли. Битирувчиларнинг барчаси касби ортдан моддий таъминланаётгани, қизиққан хунари билан шуғулланаётганидан хурсандлигини таъкидлайди. Зотан, иқтисодиётда барча тармоқларнинг ривожига ўрганилиб, меҳнат бозоридан талаб ва тақлиф мувозанатининг барқарорлигини таъминлаш учун амалга оширилаётган сазй-ҳаракатлардан ҳам коллежларда тайёрланаётган кичик кадрларга ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш мақсади кўзланган.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири



Фаргона шаҳрида вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда тегишли ташкилот ва идоралар ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Унда юздан ортиқ корхона ва ташкилот ўзларининг мавжуд бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмаркада иштирок этган ёшлардан 612 нафари ишга кириш учун йўланма олди.

— «Исмоилжон гиламлари» хусусий корхонасига ишга кириш учун йўланма олганимдан хурсандман, — дейди Қўштепа туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунаро коллежи битирувчиси Мухлиса Ғофурова. — Иш жойининг уйимизга яқинлиги, меҳнат шароити менга маъқул бўлди. Энди коллежда олган билим ва малакамни ишга солиб, астойдил меҳнат қиламан.

Ярмаркада қўллаб-йигит-қизларга меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Тадбиркорликни бошлаётган 19 нафар коллеж битирувчисига тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берадиган сертификатлар топширилди.

Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройида «Мустаҳкам оила — маҳалла таянчи» мавзусида конференция ўтказилди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Адлия вазирлиги, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан икки юзга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

Конференцияда жамиятда маънавий-ахлоқий ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини кучайтириш, ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасаларининг роли ва ўрнини ошириш каби масалалар бўйича маърузалар тингланди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида маърифий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлиmlари ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкиллаштирилди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида қўллаб-йигитимий акциялар, маърифий анжуманлар, оилавий спорт мусобақалари, аёллар спартакиадаларининг ўтказилаётгани хотин-қизларнинг саломатлигини янада яхшилаш, жамиятда соғлом турмуш тарзи ғояларини мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги «Умид гулшани» сихатгоҳида «Навқирон журналистлар» медиа-оромгоҳи ўз ишини бошлади.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Журналистлар ижодий уюшмаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Конрад Аденауэр жамғармаси, ЕХТТ ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ҳамкорлигида ташкил этилди.

«Мустаҳкам оила — жамият таянчи» мавзусида ўтказилаётган мазкур медиа-оромгоҳда «Форум-ТВ», ЎзНТТ телеканаллари, ёшлар телестудиялари, Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ахборот марказлари, ҳудудий телестанциялар раҳбарлари, журналистлар ва техник ходимлар, реклама менежерлари, дизайнерлар, нодавлат радиостанцияларнинг бош муҳаррирлари иштирок этмоқда.

Анжуман доирасида турли маданий-маърифий дастурлар, концертлар, спорт мусобақалари ҳам ўтказилади.

Ўза ва махсус мухбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.

«Камолот оромгоҳи» — ёшларга тухфа

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда фуқаролик масъулиятини ошириш борасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан амалга оширилаётган ишлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Марказий кенгашининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Ёшларнинг ташаббускорлигини ошириш мақсадида кўпгина лойиҳалар устида иш олиб бораёلمиз, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Мухаммадзонова. — Айни пайтда олий ўқув юртлири талабалари ўртасида ўтказилаётган «Концепция билимдон» кўрик-танлови ҳамда мамла-

катимизда демократик ислохотларни кенг тарғиб этишга қаратилган «Тафаккур синовлари» танловининг якуний bosқичларини ўтказишга тайёргарлик кўришмоқда. Ушбу тадбирлар юртимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида очилиши кўзда тутилган Бўстонлиқ туманидаги 200 ўринли янги «Камолот оромгоҳи»да ташкил этилади.

Анжуман доирасида «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши ҳамда «Оила» илмий-амалий маркази кўмағида «Етакчи»

ёшлар маркази томонидан нашр этилган «Мустаҳкам оила — жамият барқарорлиги гарови» услубий қўлланмасининг тақдироти бўлиб ўтди. Қўлланмада «Етакчи» ёшлар маркази томонидан «Ёш оилаларнинг ижтимоий-демографик ҳолатини ўрганиш» мавзусида 665 нафар иштирокчи орасида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари эълон қилинган.

Моҳичехра ЛАТИПОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Сифатли таълим сари

Куни кеча Қарши шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида ташкил этилган халқ таълим ходимларининг ўқув-семинарида 2012-2013 ўқув йилига тайёргарлик ва халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашларини юксак савияда ташкил этиш масалалари муҳокама этилди. Мазкур йиғилишда таълим-тарбия сифати ва самарадорлиги, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини янада оширишга эътибор қаратилди.

Семинарда Республика таълим маркази методистлари «Таълимдаги янгиланган ва келгусидаги вазифалар», «Таълимнинг уз-виқилигини таъминлаш мақсадида оптималлаштирилган ўқув дастурлари асосида дарсликларга киритилган ўзгаришлар», «Дарс — муқаддас» тавсиялари асосида баҳариланган ишлар: ютуқ ва камчиликлар», «Янги ўқув йилида амалга оширилаётган вазифалар», «Таълим муассасаларида ахборот-ком-

муникация ва мультимедиа воситалари, электрон дарсликлар, виртуал лабораториялардан фойдаланиш ҳамда чет тилини янада чуқурроқ ўрганиш», «Синф раҳбари томонидан тарбиявий соатларни ташкил этиш ва ўтказиш» каби мавзулар атрофида сўз юритилди.

Курсия ҚҮЛДОШЕВА,
Қашқадарё вилояти халқ таълими
бошқармаси методисти

Худди шундай ўқув-семинар пойтахтимиздаги 17-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари, ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари ходимлари, илғор, ижодкор ўқитувчилар иштирок этган тадбирда анъанавий август кенгашларини самарали ўтказиш масаласи муҳокама этилиб, ўтган ўқув йилида эришилган ютуқ ва камчиликлар муҳокама этилди.

— Жорий йилдаги август кенгашларида тизимдаги ўзгариш ва янгиланган ҳар бир педагогик жамоага етиб боришини таъминлаш мақсадида ҳудудларда алоҳида семинарлар ўтказилаёпти, — дейди Халқ таълими вазирлиги мутахассиси Маъруфжон Ваҳобов. — Ушбу йиғилишда 2011-2012 ўқув йили якунлари бўйича таълим самарадорлиги мониторинг қилинди ва билимлар беллашувида ўқувчилар ўзлаштиришга қийналаётган мураккаб мавзуларни чуқур

ўргатиш юзасидан тавсиялар берилди.

Семинарда, шунингдек, иختисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларининг ўқув режалари ва дастурларига киритилган ўзгаришлар, илғор педагогик технологияларни тажриба-тадқиқотдан ўтказиш ишлари ва натижаларига кўра, тавсия этилган дарс ишланмаларини ўқув жараёнига татбиқ этиш каби муҳим масалалар юзасидан иштирокчиларга атрофлича тушунчалар берилди.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

Педагог тарбиясини олган фарзандлар

Оиласида тинчлик-фаровонлик, хонадониди хотир-жамлик ҳукмрон бўлган кишининг ишида унум, файзу барак бўлиши шубҳасиз. Яқкабо туманидаги Янгиобод маҳалласининг кайвони онахони Назокат Турсунова 37 йиллик педагогик фаолияти давомида ана шу ақидага амал қилиб келди.



У йиллар мобайнида тумандаги 75-умумтаълим мактабиди бошланғич таълимдан болаларга сабоқ берди. Етмиш

олти ёшни қаршилаган пиру бадавлат ая бугун дўсту ёр, фарзанди набиралар қуршо-вида кескалик гаштини сур-

моқда. Ўғли Зокир Муродов тарих фани, келинлари Матлуба Муродова биология, Нодира Мухамедова психология фанидан сабоқ берса, Севара Султонова 75-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари. Набираси Саида Мустафоева эса хитой тилидан ёшларга таълим бермоқда. Қолаверса, Назокат аянинг тарбиясида улғайган фарзандлар ҳозирда халқ ҳўжалигини турли ҳўбаларида хизмат қилишмоқда. Педагог онахондан сабоқ олган шоғирдлар ҳам ўз ҳўтларидан мамнун ҳўлда миннатдорлик билан Назокат Турсуновани йўқлаб турадилар. Дарҳақиқат, қалбини илм-маърифат қуёши билан ёритган киши бундай тўқис бахтга ҳамиша муносиб.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

Кизиқиши ва иқтидорига қараб, янги ўқув материаллари, илгор педагогик методлар асосида чуқур сабоқ бериш ўқувчидаги ноёб истеъдодни юзага чиқаради. Шу мақсадда юртимизда ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари ташкил этилган эди. Натижада шахсга йўналтирилган таълимнинг модулли технологиялари ёш истеъдодларни шакллантириш, шахсий қobiliяти ва хусусиятларига кўра ҳар бир ўқувчиға индивидуал ёндашиш, қўшимча машғулотлар ўтказиш ҳамда аниқ бир касб-хунарга йўналтириш масалалари билан уйғуллаштирилди. Хўш, ихтисослаштирилган мактабларда ўқув жараёни қандай ташкил этилмоқда? Бу борада кўзланган мақсадга эришилаяптими?

9-сонли, Фарғона вилояти Сўх туманидаги 1-, 2-, 3-сонли, Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги 31-сонли ИДУМлар ихтисослаштирилган мактабга, Бухоро вилояти Бухоро туманидаги 10-сонли, Шофиркон туманидаги 1-сонли, Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 2-сонли, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 9-сонли ИДУМлар оддий умумтаълим мактабига айлантирилган, — дейди Халқ

манзил яратиш учун мударат берилиб, ўқув жараёнидаги мазкур ҳолатлар назоратга олинди. Қолаверса, вилоятларда иқтидорли ўқувчиларни билимлар беллашуви ва халқаро фан олимпиадаларига тайёрлаш учун ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаси ва академик лицей ҳамкорлигидаги таянч марказлар фаолиятини йўлга қўйишга киришилди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар барча ихтисослаш-

Dolzarb mavzu

қизиқаман, — дейди 8-синф ўқувчиси Даврон Ғуломов. — Электрон дастурлар устида ишлаш ҳам жону дилим. Мактабдаги «Заковат» клуби ва «Ёш дастурчилар» тўғарагида интернет сайтлари ва блогларига маълумотлар киритаятман. «Келажак овози-2012» кўрик-танловининг турман босқичида «Иқтидорли ёшлар» электрон дастури билан ғолиб бўлдим. Қолаверса, «Солиқ — болалар нигоҳида», «Интернет — менинг нигоҳида» каби танловларда ҳам

ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ: НАТИЖА НОМГА МОС БЎЛСА

2010-2011 ўқув йилида фан олимпиадасининг 2-босқичида республикамиздаги 150та ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасасининг 930 нафар 9-синф ўқувчиси совринли ўринларни қўлга киритган бўлса, 2011-2012 ўқув йилида бу кўрсаткич 776 нафарни ташкил этиб, олдинги йилдагига нисбатан 154 нафарга камайган. Жорий йил фан олимпиадасининг 3-босқичида эса 138 нафар ўқувчи совриндор бўлди, бу олдинги ўқув йилидагига қараганда 147 нафарга оз дегандир.

Билимлар беллашувининг туман босқичида 1053 нафар, яъни 2010-2011 ўқув йилидагидан 74 нафар кам ўқувчи совриндорлар қаторидан жой олган. Беллашувнинг республика босқичида умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртача 81,4 балл, ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари эса ўртача 75,7 балл натижа қайд этгани кишини ўйлантириб қўяди. Ахир, ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари зиммасига юкланаётган улкан масъулият ўқувчиларнинг билим савиясида акс этиб туриши керак эмасми?!

Афсуски, 32та ИДУМ ўқувчилари билимлар беллашувининг республика босқичида 55 балдан паст натижа кўрсатган. Мисол учун, Жиздувон туманидаги ИДУМ ўқувчилари юқори балл тўплаган ҳолда, Жарқўрғондаги ИДУМлар паст кўрсаткични қайд этган. Янгиариқ туманидаги 40-ИДУМ кейинги икки йилда фан олимпиадаси-

нинг учинчи босқичида умуман совринли ўрин эгалламаган. Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятидаги баъзи ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда бирорта ҳам олий ёки биринчи тоифали ўқитувчилар йўқлигига нима дейсиз?! Бундай ҳолатларга раҳбар ходимларнинг лоқайдлиги, имкониятлар ва замонавий педтехнологиялардан оқилона фойдаланилмаётгани сабаб бўлмоқда. Айрим ИДУМ(И)ларда ихтисослик фанларидан бошқа йўналишларнинг эътибордан четда қолиши кузатишмоқда. Жумладан, аниқ фанларга ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари математика, физика фанидан чуқур билимга эга бўлса-да, адабиёт, тарих фанларидан ўзлаштириш даражаси умумтаълим мактаб ўқувчилари билимидан пастлиги ачинарлидир. Аслида ИДУМ(И)ларда барча фанлар Давлат таълим стандартлари асосида ўқитилиб, ихтисосликдаги фанлар янада чуқурроқ ўргатилиши мақсад қилинган.

— Кейинги икки йил давомида республикамиздаги 12та ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг мақоми ўзгартирилган. Жумладан 8та ИДУМИ ихтисослаштирилган мактабга, биттаси эса оддий умумтаълим мактабига, 3та ИДУМ оддий умумтаълим мактабига айлантирилгани айрим фанлар чуқурлаштирилган билим масканларининг қандай фаолият юритганидан дарак. Масалан, Бухоро вилояти Когон шаҳридаги 17-сонли, Когон туманидаги 1-сонли, Пешку туманидаги

таълими вазирлиги умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар бошқармаси бош назоратчиси Ҳакимбой Самандаров. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим фанлар чуқур ўргатиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида ўқув жараёнини замонавий педтехнологиялар билан бойитиш, малакали мутахассисларни жалб этишга аҳамият қаратилган. Бироқ мазкур қарор ижроси барча ҳудудларда ҳам бирдек самарали бажарилапти, деб бўлмади.

Зарур шарт-шароитлар яритилганига қарамай, ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларидан 23,3 фоизи ҳалигача ўз веб-сайтига эга эмас. Жумладан, Жиззах вилоятида бу кўрсаткич 11,8 фоизни ташкил этса, Сирдарёдаги аҳоли янада аянчли. Вилоятдаги ихтисослаштирилган мактабларнинг ҳатто электрон почтаси ҳам йўқ. Аксарият ИДУМларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш қоникарсиз даражада. Айрим мактабларда эса фақат проектор ва DVDлардан фойдаланилмоқда. Хўш, айтинг-чи, шундай эътиборсизлик ва лоқайдликка йўл қўйилган мактабда таълим олаётган ўқувчилардан юқори натижа кутиш мумкинми?

Халқ таълими вазирлиги томонидан камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳар бир ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига веб-сайт ва электрон

тирилган таълим муассасаларига тааллуқли дейиш ноўрин. Жойларда ўз нуфузи ва номига монанд муваффақиятларга эришяётган мактаблар кўплаб топилади. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги аниқ фанлар чуқур ўргатиладиган ИДУМни ана шундай намунали билим масканларидан бири дейиш мумкин. Мазкур ихтисослаштирилган мактаб мисолида иқтидорли ёшлар билан индивидуал ишлаш самараларини кўриб, шахсга йўналтирилган таълимнинг нечоғлик муҳимлигига яна бир бор амин бўлдик. 685 нафар ўғил-қиз таҳсил олаётган ушбу таълим муассасасига асосан иқтисод ва математика фанини ўзлаштиришга иштиёқи баланд ёшлар қабул қилинади. Мактабдаги 36 нафар олий маълумотли педагоглардан 11 нафари олий тоифали математика, иқтисодий билим асослари, информатика фани ўқитувчиларидир. Дарслар интернет, «ZiyoNET» ҳамда электрон ресурслар ёрдамида ўтилиши ўқувчилар қизиқишини янада кучайтириб, мавзуларни теранроқ тушунишга ёрдам бераётир. Айтиш жоизки, масканда нафақат аниқ фанлар, балки умумтаълим фанларининг барчаси ҳам эътибордан четда қолмаган ҳолда, ўқувчилари билимлар беллашувининг туман ва шаҳар босқичларида биология, она тили ва адабиёт, инглиз ва рус тили фанларидан совринли ўринни қўлга киритгани муассаса нуфузини янада оширди.

— Иқтисод фанига

юқори ўринларни эгалладим.

Мактабнинг иқтисод фани ўқитувчиси Наима Дадабосовнинг таъкидлашича, ўқувчилар орасида ижодий рақобатни кучайтириш фанларни яхши ўзлаштиришга хизмат қилади, йигит-қизларга иқтидорига қараб таълим-тарбия бериш шахсга йўналтирилган таълимнинг асосий шарти саналади.

— Асосийси, таълим муассасаларида ўқувчини шахс сифатида камол топтириш, қobiliяти ва иқтидорини ривожлантиришга шароит яратиш, субъектив тажрибасини ҳисобга олган ҳолда дўстона муносабат ўрнатиш керак, — дейди педагог. — Кейинги пайтда мактабдаги педагоглардан ўқувчини эркин фикрлаш ва фаолликка ундаш талаб этилаётгани ҳам бежиз эмас.

Билимлар беллашуви натижалари таҳлилига кўра, мактаб республика бўйича 18-ўринни эгаллади. Масалан, 9-синф ўқувчиси Фазлиддин Мақсудов фан олимпиадасининг шаҳар босқичида иқтисодий билим асослари фанидан биринчи ўринни, билимлар беллашувининг республика босқичида иқтисодий билим асослари фанидан 8-синф ўқувчиси Азиз Рихсибоев биринчи ўринни, 8-синф ўқувчиси Марғуба Ҳамиджоновна эса иккинчи ўринни эгаллагани қувонарли.

Ҳа, ташаббускорлик, масъулият ва дўстона ижодий муҳит ҳукмрон даргоҳда муаммолар ўз вақтида ечим топиб, ютуқлар бўй кўрсатаверади.

Шоира БОЙМУРОВА,
«Ma'rifat» мухбири

"YURTIM, SENGGA JONIM FIDO"

(Ta'lim muassasalarida mustaqilligimizning yigirma bir yillik bayramini o'tkazish bo'yicha metodik tavsiya)

O'tayotgan har bir kun, har bir soat bizni Mustaqillik bayramiga yaqinlashtirmoqda. Ozodlik eng ulug', eng aziz qadriyat bo'lib, milliy o'zligimiz, or-nomusimiz, g'urur-iftixorimiz timsoli sifatida 20 yildan beri butun xalqimiz tomonidan keng nishonlanib keladi.

Mamlakatimiz mustaqilligining har bir sanasini munosib kutib olish va katta tayyorgarlik bilan nishonlash an'anasini uzviy davom ettirgan holda, bu yil ham ta'lim muassasalarida tizimda amalga oshirilgan ulkan islohotlar va erishilgan yutuqlar mohiyatini keng targ'ib qilishga, yosh avlod qalbi va ongiga mustaqillik hissi, Vatanga sadoqat tuyg'ularini yanada chuqurroq singdirishga qaratilgan bayram tadbirlari o'tkaziladi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012-yil 19-iyundagi «O'zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining yigirma bir yillik bayramiga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish to'g'risida»gi PQ-1776-sonli qarori ijrosini ta'minlash maqsadida quyidagilarni tavsiya etamiz.

Avvalo ta'lim muassasalarida "Ta'qdirimsan, baxtimsan, erkin va obod Vatan!" degan ezgu g'oyani o'zida mujassam etgan madaniy-ma'naviy tadbirlar hamda targ'ibot-tashviqot ishlari dasturini ishlab chiqish lozim. Bayram tadbirlari o'tkaziladigan joylarni, ta'lim muassasalari binolarini mustaqillik yillarida erishilgan yutuqlar aks ettirilgan "O'z tarixini bilmaydigan, kechagi kunini unutgan millatning kelajagi yo'q", "Yoshlar tarbiyasida aslo beparvo bo'lmasligimiz zarur", "Oila sog'lom ekan — jamiyat mustahkam, jamiyat mustahkam ekan — mamlakat barqarordir", "Beparvo odam dushmanidan ham xavfliroq", "Eng buyuk jasorat bu — ma'naviy jasorat", "Mustaqillik — oliy ne'mat", "Xalq farovonligi — yurt boyligi" kabi

mazmundagi banner, shior, plakat va boshqa ta'sirchan ko'rgazmali vositalar bilan bezatish tavsiya etiladi.

Bayram arafasida mehnat faoliyatida yuksak marralarga erishgan, yosh avlodni milliy va umuminsoniy qadriyatlar, yurtga sadoqat ruhida tarbiyalash, ularga zamonaviy talablar asosida bilim berishga munosib hissa qo'shib kelayotgan tizim xodimlari va ustoz-murabbiylarni moddiy-ma'naviy rag'batlantirish chora-tadbirlarini ishlab chiqish va amalga oshirish ham muhim ahamiyat kasb etadi. Shuningdek, Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilari, nogironlar, nafaqadagi pedagoglar va mustaqillik yo'lida jonini fido qilgan harbiy xizmatchilarning oilalari holidan xabar olish, ularni bayram bilan qutlash masalalariga ham alohida e'tibor qaratish lozim.

Bayramga hozirlik ko'rishda o'quvchi va pedagoglar ishtirokida ta'lim muassasalari hududini obodonlashtirish, boquvchisiz qolgan keksalar va nogironlarning uy-joy sharoitini yaxshilashga ko'maklashish maqsadida «Obodlik ko'ngildan boshlanadi» shiori ostida umumxalq xayriya hashari uyushtiriladi.

Umumta'lim maktablarida yangi o'quv yilining birinchi kuni "Ta'qdirimsan, baxtimsan, erkin va obod Vatan!" degan shior ostida mustaqillik darslarini tashkil qilish, tarixan qisqa 21 yil mobaynida xalqimiz murakkab va mashaqqatli tarixiy yo'lni bosib o'tganini, turli sinov va qiyinchiliklarga duch kelganini tahlillar orqali yoshlarga ko'rsatish lozim. Xususan, Yurtboshimizning "O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida" kitobi asosida taraqqiyotning «O'zbek modeli» deb nom olgan rivojlanish yo'limizning asosiy printsiplari shiddatli kurashlar, tinimsiz bahs-munozaralar va achchiq hayotiy tajribalar mahsuli ekanini o'quvchilarga yosh xususiyatlarini inobatga olgan

holda tushuntirish lozim. Yuqori sinflarda dars ishlanmalari mazmuniga O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotining mustaqillik yillaridagi (1990 — 2010-yillar) asosiy tendentsiya va ko'rsatkichlari hamda 2011 — 2015-yillarga mo'ljallangan prognozlar ("O'zbekiston" NMIU, 2011-y.) kitobida ko'rsatilgan statistik ma'lumotlarni singdirib borish maqsadga muvofiqdir.

Dars samaradorligi va salohiyatini oshirish maqsadida quyidagi asosiy ko'rsatkichlarga e'tibor qaratish tavsiya etiladi: O'zbekiston iqtisodiyoti 20 yil davomida qariyb 3-4 barobar, yalpi ichki mahsulot ishlab chiqarish aholi jon boshiga 2,5 barobar, o'rtacha ish haqi 14 barobar o'sganini inobatga oladigan bo'lsak, ulkan natijalarga erishganimiz ayon bo'ladi.

Yigirma bir yillik mustaqil taraqqiyotimiz davrida qo'lga kiritilgan ulkan yutuqlarni inson — jamiyat — davlat manfaatlari musharakligi asosida darslar mazmuniga singdirish zarur. Mustaqillikning ortda qolgan yigirma bir yili yosh davlatimiz uchun siyosiy sohada, davlat va jamiyat qurilishi, iqtisodiyot va ma'naviyat, ijtimoiy hayot, sud-huquq tizimi, tashqi siyosat va xavfsizlikni ta'minlash borasida har tomonlama rivojlanish va yuksalish, jahon hamjamiyatidan munosib o'rin egallash davri bo'lganini chuqur ochib berishga xizmat qiladigan kompleks madaniy-ma'rifiy tadbirlarni amalga oshirish darkor. Tadbirlarda mamlakatimizda qabul qilingan muhim ijtimoiy-siyosiy dasturlar, jumladan, «Mustahkam oila yili» davlat dasturining ijobiy samaralariga alohida urg'u berish lozim.

Rejalashtirilayotgan har bir tadbir

Tahririyatdan: gazetamizning kelgusi sonlarida umumiy o'rta ta'lim muassasalari (1—4, 5—7, 8—9-sinflari)da mustaqillik darslarini samarali tashkil etish yuzasidan namunalı dars ishlanmalari bilan tanishasiz.

rasmıyatchilikdan xoli bo'lishi, samimiy ruhda o'tishi kerak. Keng jamoatchilik vakillarini jalb etgan holda, odamlarning qalbi va ongiga yetib boradigan, ularning ruhi va kayfiyatini ko'taradigan, yangi marralar sari ilhomlantiradigan, tashabbuskorlikka undaydigan ta'sirchan shaklda o'tkazilishiga erishish lozim.

Bayramning mantiqiy davomi sifatida o'quvchilar o'rtasida "O'zbekistonning yetti mo'jizasi", "Yagonasan, muqaddas Vatan!" ko'rik-tanlovları, "Vatanım tarixini o'rganaman" mavzusida insholar, "Ozod yurt manzaralari" mavzusida rasmlar tanlovi, maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyalanuvchilari o'rtasida "Istiqlol g'unchalari" hududiy musiqa va san'at festivali, "Yurtim, senga jonim fido" nomli badiiy-ijodiy uchrashuv va kontsertlar dasturini tashkil etish mumkin.

Ijtimoiy fanlardan tashkil etiladigan ochiq dars mashg'ulotlarini Toshkent shahridagi Mustaqillik maydonida, Shahidlar xotirasi, Vatanga qasamyod majmualari, Temuriylar tarixi, O'zbekiston xalqlari tarixi davlat muzeylarida, hududlardagi xotira xiyobonlari va yangi barpo etilgan mustaqillik inshootlarida uyushtirish hamda Mustaqillik va ezgulik monumnti poyiga guldastalar qo'yish maqsadga muvofiqdir. Shu bilan birga, ta'lim muassasalarida "Aytgil do'stim, nima qildik Vatan uchun?" mavzusida yozuvchi-shoiralar, san'atkorlar bilan uchrashuvlar, suhbat va muloqotlar tashkil etish ham ijobiy samara beradi.

Respublika Xalq ta'limi vazirligining ma'naviy-axloqiy tarbiya boshqarmasi



ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Қибрай» соғломлаштириш оромгоҳида болаларнинг марокли хордиқ чиқариб, саломатлигини тиклаши учун барча шароит яратилган.

Шу кунларда сўлим оромгоҳда 497 ўғил-қиз таътилни унутилмас таассуротлар билан ўтказмоқда. Тасвирий санъат, шахмат-шашка, мусиқа ва тикувчилик, фотография йўналишларида тўғарақларнинг ташкил этилиб, турли спорт мусобақалари, концерт ва бoшқа кўнгилочар тadbirlar болаларга бир олам завқ улашмоқда.

Ёз мавсуми давомида бу ерда темир йўл тизимида меҳнат қилаётган ходимларнинг



1700 нафар фарзанди дам олиши режалаштирилган.

Суратларда: «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компа-

ниясига қарашли «Қибрай» соғломлаштириш оромгоҳида.

Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

Янгикўрғон туманида 2932 нафар педагог 30422 нафар йигит-қизга таълим-тарбия бермоқда. Умумтаълим мактаблари сони 61тани ташкил этади. Шунингдек, 2та ИДУМ, 1та мусика ва санъат, 3та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ёш авлод камоли учун хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида Янгикўрғонда 3та умумтаълим мактаби қурилди. Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ 53та илм маскани жорий ва капитал таъмирланди, реконструкция қилинди. Исковот қишлоғида болалар спорт мажмуаси, мусика ва санъат мактаби қад ростлади. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 7, 26, 47 ва 58-умумтаълим мактабларида барпо этилган спорт заллари ёш авлоднинг жисмонан етук бўлиб улғайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Билим даргоҳларининг нафақат ташқи кўриниши яхшилангани, шу билан бирга, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, АКТ воситалари билан таъминлангани ўқувчиларнинг билим самарадорлигини оширишда асосий омил бўлмоқда. Бу борада 10, 18, 32, 34, 30, 47 ва 58-умумтаълим мактабларида бажарилган ибратли ишлар алоҳида эъти-

МАКТАБЛАР КЎРКАМ, БИЛИМ ЭСА МУСТАҲКАМ

рофга лойиқ. Энг муҳими, мактабларнинг кўркам ҳолатини сақлаш, янги ўқув йилига тайёрлаш борасида ҳам мазкур билим даргоҳлари пешқадам.

Мамайлқларнинг қарийб 700 нафар фарзанди билим олаётган 32-мактаб тумандаги энг илгор ва намунали таълим қосоналаридан саналади. ДТС талаблари асосида жиҳозланган фан кабинетлари, дид билан безатилган маънавий-маърифий хоналар ва зиё маскани ҳовлиси, манзарали дарахтлар ва ранго-ранг гуллар баҳри дилингизни очади. 48 нафар ўқитувчи-педагогдан иборат жамоа таълим сифати ва мазмунини бойитиш, ўқувчиларнинг билим самарадорлиги ва кўникмаларини орттиришда салмоқли ютуқларга эришмоқда.

Кўкёрдаги 34-мактабда тажриба-синов майдони ташкил этилган. Ўтган йили ўқувчиларни электрон дарсликлардан фойдаланиб ўқишга усули синаб кўрилди ва яхши натижага эришилди. Энг муҳими, тумандаги чекка қишлоқ мактабларида ҳам янги, замонавий педтехнологиялардан фойдаланишга жиддий эътибор берилмоқда.

Ганишер АКБАРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ҲАР БИР ДАРСГА ЯНГИЛИК БИЛАН

Тажриба-тадқиқот майдонларида олиб борилаётган дарслар таълимга илгор инновацион технологияларни кенг жорий этишга хизмат қилмоқда.

Фаргона шаҳридаги 10-умумтаълим мактабида ўтган ўқув йили тажриба-тадқиқот ишларининг мослашув босқичи муваффақиятли ўтказилди. 15 нафар экспериментатор ўқитувчи 27та синфда 753 нафар ўқув-

чиға миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, она тили, инглиз тили, немис тили, одобрнома, жаҳон тарихи, Ўзбекистон тарихи, иқтисодий билим асослари фанларидан тажриба-синов дарслари ўтди. Айтиш жоизки, барча ўқитувчилар ўзига хос дарс ишланмалари ва тест банкларни яраттишда, кўргазмали қуроолар тайёрлашга ҳам ижодкорлик билан ёндашишди.

— Кўплаб ўқитувчиларимиз ўз тажрибасини ҳар томонлама оширишга муваффақ бўлди. — дейди директор ўринбосари Муҳаббат Шаропова. — Улар мураккаб мавзуларни ўқувчиларга тушунтиришда интерфаол усуллардан кенг фойдаланишди. Натижада ўқиш сифати 80 фоизга, самарадорлик 87 фоизга ортди. Ўқув йили якунида инновацион технологиялардан самарали фойдаланишга эришилгани маълум бўлди. Мактабимизда тажриба-тадқиқот майдонининг ташкил этилиши эса ўқитувчиларда ўз устида ишлаш масъулиятини оширди. Улар ҳар бир дарсга янгилик билан кириш кўникмасига эга бўлди.

Мазкур тадқиқот бўйича тузилган алоҳида дарс жадвали вилоятдаги барча умумтаълим мактабларига етказилди. Қолаверса, вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тингловчилари ҳам дарсларимизни қузатиб, таҳлил этиб, қўлланилаётган педагогик технологияларни ўрганишди.

Тажрибали
ўқитувчилардан бири Гавҳарой Тожи-

Tajriba-tadqiqot maydonlarida

боеванинги ўнлаб ўқувчилари давлат гранти асосида олий ўқув юртларида таҳсил олаётди. Изланувчан ўқитувчи 2008-2009 ўқув йилида «Энг яхши синф раҳбари» кўрик-танловининг шаҳар ва вилоят босқичларида ғолиб бўлган. У мактабда ижтимоий ва гуманитар йўналиш бўйича тажриба-тадқиқот ишларини намунали ташкил этди. Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 14-умумтаълим мактабида нотаиниш синфда ўтган тажриба-синов дарсида ўқитувчининг эркин ва дўстона муносабати натижасида фаоллик кўрсатишди. Ҳа, боланинги яширин иқтидор ва қобилияти ана шундай ижодий муҳитда намоён бўлади. ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги вакили, «Болага дўстона муносабатдаги мактаб» лойиҳаси доирасида ҳам Гавҳарой Тожибоеванинги ўқишга усули эътироф этилди. Чиндан ҳам муаллиманинги дарсларидан жуда кўп нарсаларни ўрганиш мумкин. Мактабда эса бундай ўқитувчилар таллайгина.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЎҚУВЧИ ҚАЛБИГА ЙЎЛ



Ромитан туманидаги 1-умумтаълим мактабига ёш инглиз тили ўқувчиси келди. Унинг педагогик фаолияти аввалига бироз қийин кечди. Боси, кўргазмали қуроол ва дарсликни қўлтиқлаб, болаларга сабоқ беришга отланган ёш муаллима янги муҳитга мослашшга қийналди. Инглиз тили ўқитувчиси Нигора Салимова дарсга пухта тайёргарлик кўрса-да, ўқувчилар қаршисида эсанкираб қолди. Хуллас, биринчи дарс болаларни тинчлантириш ва уларнинг диққатини жамлаш билан ўтди-кетди. Бу воқеага ҳам олти йил бўлибди...

Кейинчалик Нигора устозларидан маслаҳат олди, ўқувчиларни фанга жалб этиш йўлида тинимсиз изланди. Навбатдаги машғулотда инглиз тилидаги сокин бир қўшиқни ёзиб келди. Дарс бошида мусикани ўқувчиларга эштитиб, матндаги жумлаларни такрорлашни сўради. Натижа қутил-

гандек бўлди: болалар хорижий ашулани диққат билан тинглаб, ҳатто сўзларни таржима қилишга ҳам киришишди. Шу тариқа ўқитувчи ўқувчилар қалбига инглиз тили фанига меҳр уйғота бошлади.

— Яна бир воқеа мен учун тажриба ва маҳоратимни оширишда кўл келди, — дейди Н.Салимова. — Бир ўқувчи дарсда эркин ўтиришга рухсат сўради. Доскадаги янги сўзларни дафтарига кўчириши шарти билан рози бўлдим (дарсга ҳалақит қилиб, бекор ўтиргандан кўра шу усул маъқул туюлди). Натижада, ўқувчи фаоллар сафига қўшилди. Англадимки, педагог ўқувчи-ёшларнинг шахсий фазилати, характериини ҳисобга олиб, дарсда содда ва қизиқарли усуллардан фойдаланиши, мунтазам изланишда бўлиши лозим экан. Дарсда ўқувчиларнинг диққатини ушлаб туриш учун чигалёзди машқидан фойдаланаман. 5-синфда эса қизиқарли ўйинлар орқали ўқувчиларнинг талаффузини ривожлантириб, лугат бойлигини оширишга интиламан. Бундан ташқари, «Органайзер», «Брейн-сторминг» усуллари ҳам болаларнинг фанга қизиқишини оширади. Мактабда «Инглиз тили клуби» ташкил этганимиз.

Айни пайтда Нигора Салимованинги кўплаб шогирдлари нуфузли ўқув юртларида тахсил олмоқда. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови республика босқичида фахрли ўринга муносиб топилгани педагогнинг меҳнатларига берилган муносиб баҳо бўлди.

Сора ТОШЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi

Асака туманидаги 57-умумтаълим мактабининги ўзбек тили фани ўқитувчиси Замира Назарова ҳақида гап кетганда ҳамкасблари, яқинлари ва дўстлари изланувчанлик фазилатини биринчи бўлиб тилга олишди. Унинг мамлакат миқёсида эътироф этилиши ҳам шу фазилати омад келтирди. Қаҳрамонимизнинг «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси-2012» кўрик-танлови республика босқичи ғолиби бўлгани ҳақидаги хабар нафақат туман, балки бутун вилоят таълим ходимларини хурсанд қилди.



пьютер слайдлари ёрдамида қисқача тушунтириб, уларни асар юзасидан фикрлашга ундадим. Натижада ўқувчилар мустақиллик учун кечган қурашлар, уни кўз қорачиғидай асраш лозимлиги ҳақида кенг тушунчага эга бўлишдан ташқари, дарсни янада эътибор билан тингладди. Айниқса, асардаги «экан» феълига мос мисоллардан фойдаланганимиз дарснинг узвийлигини таъминлади.

Жонли мисоллар асосида, ўзаро фаол усулда ўтилган дарс ўқувчиларда ҳам, қузатувчиларда ҳам яхши таассурот

ЎҚИТУВЧИЛИК ҚОНИДА БОР

Ўқитувчилик унинг қонида бор. Отаси Адашбой Қодиров шу мактабда болаларга ўттиз уч йил таълим-тарбия берган. Ота касбини танлаган Замира институтни тамомлаб, ўзи ўқиган кадрдон мактабида иш бошлаган илк қулларданок устозлари ишончини оқлашга интилди. Йигирма бир йиллик меҳнат фаолияти давомида таълим тизимидаги янгиликлардан самарали фойдаланиб, илгор тажрибаларни ўзлаштириб борди. Соҳага оид кўплаб кўрик-танлов, тадбир ва мусобақаларда қатнашиб келмоқда. Хусусан, 2004 йили «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринни эгаллагани бўлғуси ютуқларида муҳим қадам бўлди.

— Бу йил танловнинг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаганимдан сўнг бутун эътиборимни илгор тажрибаларни ўрганишга қаратдим. — дейди Замира Назарова. —

Дарсларни ноанъанавий усулларда компьютер ёрдамида олиб боришга қарор қилдим.

Изланишлари самара бериб, танловнинг суҳбат, ёзма иш, компьютерда дарс ишланмаси тайёрлаш ва нотаниш синфда дарс ўтиш шартларида ўз фани бўйича Замира Назаровага тенг келадигани топилмади.

— Ноанъанавий услубдаги машғулотларни кўпинча маънавият дақиқалари билан бошлайман, — дейди у. — Бу усул болаларнинг диққатини жамлаб, уларни фикрлашга, дарс мобайнида ўзини тўғри тутишга ундайди. Танлов жараёнида Тошкент шаҳридаги 107-мактабнинг рус синфиди «Экан» тўлиқсиз феъли тузилиши» мавзусида ўтган дарсда ҳам ушбу методдан фойдаландим. Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақиллигига эришиш оstonасида» китобининг мазмун-моҳиятини ком-

қолдирди. Муаллиманинги компьютер саводхонлиги бўйича пухта билимга эгалиги муваффақиятлари салмоғини янада оширди.

— Замирахон ёш педагог кадрларга ҳаммаша ўрнак бўлиб келяпти, — дейди 57-умумтаълим мактаби директори Нигора Абдулазизова. — Изланиш ва ўрганишдан асло қарчамаслиги, ёшларга ғамхўрлиги билан жамоада ўз ўрнини топган. Унинг танловда биринчи бўлиши тинимсиз меҳнатлари самарасидир. Бунда мустаҳкам оиласининг ҳиссаси ҳам катта.

Замира Назарова кўплар ҳавас қиладиган ибратли оила бекаси. Турмуш ўртоғи Равшанбек Назаров ҳам тумандаги 8-умумтаълим мактабида болаларга рус тилидан сабоқ беради. Педагоглар оиласида икки ўғил воғга етмоқда.

Орифжон СИДДИКОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Саодатли ОСТОНА

АЁЛ ФАОЛЛИГИ — ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ

Бугун мамлакатимизда аёлларнинг давлат ва жамият ривожидagi ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий, маърифий соҳалардаги салоҳиятини тўлақонли намоён этиш, уларга зарур барча шароит ва имкониятлар яратиш, хотин-қизларни ҳар жиҳатдан кўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти ҳам аёлларнинг жамиятимиздаги мавқеини янада юксалтириш, уларнинг орзу-ўйлари, интилишлари ва қизиқишларини ўрганиш, пировардида эса куч-ғайрат, ақл-заковатини улуг мақсадлар йўлида бирлаштиришни асосий вазифалари деб билади.

Чунончи, бугунги кунда институтимизда жами 460 профессор-ўқитувчиларнинг 224 нафарини, 5145 талабанинг 3402 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Талаба-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган «Аёлнинг оиладаги ҳуқуқи», «Аёл, оила ва ҳуқуқ» каби мавзу-

лардаги учрашув ва мулоқотлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимлари иштирокида ўтказилмоқда. Жараёнда институтимизнинг фаол, кўпни кўрган, тажрибали профессор-ўқитувчилари талабаларнинг руҳий ҳолати, қизиқиш ва интилишларини ўрганиш мақсадида социологик-психологик сўровномалар ўтказишяпти.

Эътиборлиси, институтимизда «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан кўллаб ташаббуслар бўй кўрсатаётир. Ёш оилаларнинг ижтимоий эҳтиёжларини аниқлаш орқали уларни маънавий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш мақсадида таълим-тарбия тизимини ижтимоий, психологик ва педагогик кўллаб-қувватлаш гуруҳи ташкил этилди. Гуруҳга педагогика фанлари номзоди А.Урумбаева ва психология фанлари номзоди З.Қўлчиева раҳбарлик қилмоқда. Шунингдек, зиё масканида фаолият юритаётган психологик маслаҳат маркази ходимлари оилали талаба-қизларнинг оилавий психологик муҳити ва шарт-ша-

роитларини ўрганиш мақсадида мунтазам равишда сўровнома ўтказиб, таҳлил натижаларини муҳокама қилиб келишмоқда.

Институтнинг талабалар тураржойи кутубхонасида «Саломатлик бурчаги» ташкил этилган бўлиб, ёшлар учун зарур китоблар, қўлланмалар билан таъминланган. Муҳими, талабалар бўш вақтларини мазмунли ўтказишяпти. Стол тенниси, волейбол, шахмат-шашка тўғрисида ва ҳар хил тренажёрлар улар ихтиёрида. Талабалар «Чевар кўллар», «Интеллектуал ринг» тўғрисида оила учун зарур бичиш-тиқиш, чеварлик сирларини ўрганишмоқда.

Институтимизда фаолият юритаётган 11та марказ, 36та фан тўғрисида, шунингдек, 10 та спорт секцияси талаба-ёшларимиз билан банд. «Фидойи ёшлар», «Мулоқот», «Нотиклар», «Мунозара» каби «Камолот» ЁИХ ташкилоти клублари, «Тумарис» ансамбли, «Турон» театр-студияси ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишга хизмат қилиши баробарида, маънавий-маданий дунёси бой

бўлиб етишишлари, билим чўққиларини забт этишлари, айниқса, иқтидор ва истеъдодини намоён этишларида қўл келмоқда.

Соғлом турмуш тарзи, жисмоний маданиятни ва соғлом оилани шакллантириш бўйича институт хотин-қизлар кенгаши, институтда ташкил этилган Ибн Сино саломатлик маркази ходимлари, Саломатлик институтининг филиали, Республика наркологик диспансери, Республика ОИТС маркази, Скрининг маркази, Репродуктив саломатлик маркази ходимлари билан ҳамкорликда учрашувлар ўтказилиб, талабаларга соғлом турмуш тарзи ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилаёпти.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига мувофиқ режаларимизга кўра, шу кунга қадар талаба-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, фан ва касб тўғрисида олган билимларини намоёйиш этиш ва институт хотин-қизлари орасида тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қўл хунарлари кўргазма-савдоси ташкил этилди. Кўргазмада хунарли тала-

ба-қизлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этишди. «Гуллар байрами», «Бола-нинг бегонаси бўлмайди» хайр-саховат акциясида қўлда ясалган кўйирчоқлар Шигис маҳалласидаги кам таъминланган болаларга совға қилинди.

Институт талабаларининг экологик билим ва маданиятини орасталик, озодалик кўникмаларини шакллантириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Институт ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида ўтказиладиган экологик ва хайрия ҳашиарида талабаларнинг иштироки таъминланаётир.

Талабалар тураржойида ҳар чоракда «Энг ибратли қават», «Энг ораста хона» танловларининг ғолиблари аниқланиб, ҳомийлар томонидан рағбатлантирилиб борилаёпти.

Институт хотин-қизлари орасида ўтказиладиган шу каби тадбирлар талаба-ёшларнинг жамиятимизда содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий-ижтимоий жараёнларга муносабатини шакллантириши баробарида уларни келажақда мустақил юрт равнақида ҳисса қўшишга чорлаши шубҳасиздир.

Алима ПИРНИЯЗОВА,
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси

«ШИРОҚ» ИЛК БОР САҲНАДА

Халқимиз орасида Широқ номини билмаган, унинг қаҳрамонлиги ҳақидаги афсоналарни эшитмаган, у каби қаҳрамонлик кўрсатиб, ўз халқининг муҳаббатини қозонишни истамаган инсон топилмаसा керак. Қарийб икки ярим минг йилдан ортқирок вақт мобайнида Широқ ҳақида мингдан зиёд ривоят афсоналар тўқилди, бадиий асарлар ёзилди. Лекин ҳали у ҳақида бирорта ҳам саҳна асари яратилмаган эди. Яқинда илк маротаба Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг ўқув театрида битирувчи магистрант Раҳимжон Дўсанов томонидан таниқли ўзбек ёзувчиси Миркарим Осим асари асосида «Широқ» трагедик спектакли саҳналаштирилиб, республика Ёш томошабинлар театри саҳнасида санъатсеварлар эътиборига ҳавола этилди.


Спектакль янгича услубда, яъни моноспектакль (бир актёр театри) жанрида саҳналаштирилган бўлиб, асардаги бутун персонажларни фақат бир актёр ижро этди. Айрим шахслар эса томошабинлар очик кўрсатилмай, балки яширин белгилар ва бошқа символлар орқали намоёйиш этилди. Ҳеч кимга сир эмаски, спектакль мобайнида томошабинларни асар муҳитида ушлаб туриш учун катта масъулият талаб қилинади. Бу гап театр жамоасига нисбатан айтилган фикр эди. Аммо бутун саҳна асари мобайнида худди шу вазифани бир актёрнинг ўзи бажарса-чи? Унда актёрдан нафақат масъулият, балки иқтидор, юксак профессионал маҳорат ҳам талаб этилади. Бу юқни ёш истеъдод эгаси Раҳимжон

Дўсанов ўз зиммасига олди ва спектаклда нафақат саҳналаштирувчи режиссёр, балки ижро этувчи актёр сифатида ҳам ўз истеъдодини намоёйиш этди. Бир ўзи турли диапазонда ҳаракатланиб, кекса оқсоқол ролини ижро этганда кексаларга хос доғишмандликни, қабила оқсоқолини ўйнаганда раҳбарларга хос юксак зехнлиликни, бош қаҳрамон Широқ ролида эса том маънодаги мард, иродаси мустаҳкам инсоннинг саҳнавий тасвирини яратиб бера олди. Ватан ҳақидаги қўшиқлар эса ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббатни янада ошириб, улар кимларнинг авлоди эканлигини руҳан ҳис эттирди, десак муболага бўлмас.

Театрда бирор воқеа шунчаки томоша қилинмайди, балки у билан бирга яшалади. Шу маънода залга йиғилган томошабинлар Широқ ҳақида ёзилган асарларни ўқиб, унга ҳайрат билан қараган бўлсалар, спектаклдан сўнг қаҳрамоннинг ўлимидан ларзага тушдилар.

Саҳна асарига ёзувчи ғоясига қўшимча равишда режиссёр томонидан бир қанча топиламалар киритилган. Асар Ватан жон фидо қилишга арзийди ва Ватан учун жон фидо қилганлар хотираси мангудир, деган хулоса билан яқунланади. Яна, Ватанга ёғийлар ҳужум қилишдан олдинги ва кейинги халқнинг аҳоли, турмуш даражаси қиёсан таҳлил этилади. Бу эса тинчликнинг нечоғлик бебаҳо неъмат эканлигини кўрсатиб беради.

Шаҳодат ЗОКИРОВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси



ОРЗУЛАРИ УШАЛАЁТГАН АВЛОД

Андижон давлат университети психология факультети магистратура босқичи талабаси Шаҳноза Шукурова — мустақиллик тенгдоши.

Балиқдан илмга меҳр қўйиб, интилувчанлиги билан тенгдошларига ибрат бўлиб келаётган Шаҳноза дунё тамаддунига буюк ҳисса қўшган Беруний, Мирзо Улуғбек, Навоий сингари мутафаккирларнинг авлоди, мана шундай жаннатмонанд юртнинг, танти элнинг фарзанди эканидан фахрланади. Университетнинг энг фаол талабаларидан бири. Илмий салоҳияти ва излаишлари 2010 йили Навоий номидаги Давлат стипендиясига лойиқ топилган.

— Мустақиллик йилларида шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилган таълим, спорт ва санъат масканлари биз, ёшларга ўз иқтидоримизни тўла намоён этишимиз ва ривожлантиришимизга хизмат қилаётир, — дейди Ш.Шукурова. — Буларнинг барчасининг замирида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида навқирон авлод тарбиясига кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик мужассамдир.

Суратда: Шаҳноза Шукурова тенгдоши Жасурбек Абдумаликов билан.

Хурсандбек АРАББОВЕВ (ЎЗА)
олган сурат.

... Ҳа, биз гўзаллик деганда кўз ўнгимизда намоён бўлувчи чиройли қиёфа, хушманзара олам ва шу каби ёқимли ҳолатларни тушунамиз. Инсон борки, гўзалликка интилади. Хориган қалбларга гулга бурканган боғлар қайсидир маънода малҳам бўла олиши шундандир эҳтимол. Демак, гўзаллик одамзоднинг ҳаётга иштиёқ, завқ-шавқ билан боқishi, баракали меҳнат қилишига таянч бўлувчи куч ҳамдир.

Барча касб эгаларининг фаолияти қайсидир жиҳатдан бир-бири билан боғлиқ. Демокриманки, биз ўз вазифамизни сидқидилдан, гўзал муомалаю муносабатимиз ила адо этар эканмиз, аини пайтда бошқа жабҳалар ривожига ҳам ижобий таъсиримизни ўтказишимиз мумкин. Эҳтимол, куйидаги ҳаётий воқеликлар сизни бу хусусда жиддийроқ ўйлаб кўришга ундар.

КОТИБАНГИЗ КИМ?

Раҳбарлик — катта масъулият, аини пайтда кўпчиликнинг дилидаги кечинмаларни англаб, инсонни инсон сифатида тушуниш, одамийлик нуқтаи назаридан ҳақиқат ҳақи сўзни айтиш, кези келганда мурувватингизга муҳтож кимсага ёрдам қўлини чўза олишдек ҳислатларни ҳам талаб этади кишидан. Шу боис ҳам ночор ва ожиз қолган пайтингизда раҳбарлик курсида ўтирган шахснинг адолатига, оқиллик ва одиллик билан иш тутишига умид боғлайсиз, ишонасиз. Гўё энг охири илннингиз унинг хулосасига боғланиб туради... Уларнинг қабулхонасида эса котиба ёки иш юритувчи ўтиради. Биз раҳбар хузурига киришдан олдин истаимизми-йўқми қабулхона эшигини қоқамиз:

— Яна сизми? Бошлиғимиз йўқлар. Бир неча кун бўлмайди, дедим-ку? Тушунмадингизми? — деган овоздан юрагим зиркираб кетди. Ҳали яна нималардир сўрамоқчи ҳам эдимки, гўшакнинг шашт билан жойига қўйилганидан не деяримни билмай довдираб қолдим... «У кишини жуда яхши одам дейишган эдик-ку? Нахотки котибаси шундай кўполлик билан жавоб қайтарса. У кунни ҳам гапим оғзимда қолган эди...» — ҳаёлимдан ўтказдим. Бу идора томон яна бўйлаш у ёқда турсин, кўнғироқ қилишга ҳам журъатим етмади. Шундай кунларнинг бирида бошқа бир ташкилот раҳбари билан учрашимга тўғри келди.

— Хуш келибсиз. Бошлиғимиз ушланиб қолганлар, шекилли, бирпас кутиб тура олмасизми? — дея қарши олди бизни хушбичимгина киз.

Унинг хижолат бўлаётгандек ширинсуханлик билан қилаётган гўзал муомаласи сабабимкин, гарчанд шошиб турган бўлсак-да, негадир ўзимизни бемалол тутиб, қабулхонадаги рангоранг гуллар қўйилган дераза қаршидаги ўриндиққа чўқдик.

— Истасангиз, янги газета-журналларни варақлаб туришингиз мумкин, — деди у яна жилмайганча девордаги соатга қараб кўярган.

Дарвоқе, иш билан бўлиб бугунги матбуот на-

шрларини харид қилмаган эдим. Унинг бу мулозаматидан хурсанд бўлиб кетдим. Ҳа, қабулхонада анча қолиб кетишимизга тўғри келди. Лекин вақтдан юртаск ютдикки, ютқазмадик!

Мавзумиз доирасида мушоҳада юритиб, котиба қабулхонага бош суққан одамга «Чой ичасизми ёки қахва...» дея сийлаши керак, демокримиз эмасмиз. Ле-

ер чизиб ўтирарди. «Кизингизга меҳрим бўлакча, — дерди ўқитувчи кўпчиликнинг олдида хижолат бўлаётганини сездирмасликка уринаётган аёлининг қўларини сиққанча. — У синфда кўринмаса, хона бўм-бўшдек, кўнглим хувиллаб қолади...».

Ўқитувчида ўз ўқувчисига нисбатан шундай яқинлик бўлгани, албатта, яхши. Лекин фанларни мукаммал ўзлаштириб, жамоат ишларида фаол иштирок этаётган болаларгагина илиқ муносабатда бўлиб, бошқаларини назардан четда қолдириш, айниқса, бундай ҳолат юқоридаги каби манзарани акс эттирса, маълум маънода устоз маънавиятига ярашиқсиз туюлади. Чунки бир синфда ўттиз нафар ўқувчи тахсил олса, ўқитувчи уларнинг барчасига бирдек, бир мақсад — толиби илмларнинг иқтидорини тўла намойиш этишлари, мавзуларни тўла ўзлаштиришлари учун кези келган

«Аълочи» дея катта эътибор қаратилаётган ўқувчи бу мақтовлардан руҳланиб янада олдинга интилиши ҳам мумкин. Аксинча, «Мен ҳаммадан зўрман» деган қараш уни худбинликдек дардга мубтало этиши ҳам кўп бора кузатилган. Энг ёмони, бундай ўзига бино қўйиш уни бора-бора атрофидагиларга беписанд қарайдиган, вақти келиб бирор корхона ёки ташкилотда фаолият юритганида ҳам «Мен ҳақман», «Менинг билганим тўғри» қабилида иш тутадиган кимсага айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас.

Хулоса чиқаришга ошиқшдан олдин бир зум болалик оламига қайтиб, «аълочи» ва ўқитувчининг назаридан четда қолган, гўёки синфда бор-йўқлиги билинмайдиган ўқувчи ўрнига ўзимизни қўйиб кўрайлик. Ўқитувчининг айрича муносабати, албатта, хотирада ўчмас, оғриқли чизгилар қолдиради. Муаллим «меҳ-

Mulohaza

қилинаётган меъёрий ҳужжатларда ҳам асосий мақсад айнан халқимиз манфатларига қаратилган. Лекин...

— Пул йўқ, дедим-ку! — ойнақдан жавдираб қараб турган кишини силтаб ташлади банк ходимаси гўё маблағ ўз чўнтагидан чиқаяпти-ю, сўраб келган киши унга муттаҳамдек. — Қачон бўлиши ҳақида бир нарсая дея олмайман! Эртага келинг-чи! Сармоянгизни олиш керак бўлса, ариза ёзиб кетинг деганмиз-ку!...

Қизнинг димоғ-фироғи қайта мурожаат қилишга журъатини синдириб ташладудек эди.

Албатта, ҳар бир соҳанинг ўзига хос жиҳатлари, иш тутумидаги қонун-қоидалар бор. Биз бу хусусда эмас, соҳа ходимларининг мурожаат қилувчилар билан самимий ва камтарона муносабатда бўлиши ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Агар вазиятни одилона баҳоламоқчи бўлсак, ушбу ҳолатда банк ходимларининг мурожаат қилувчилардан гўёки ўзларини бир поғона юқорида қўйиб муносабатда бўлишидек иллат манамен дея буй кўрсатади. Балки мижозга қайсидир сабабларга кўра айнан шу пайтда сармоя ажратилиши мумкин эмасдир. Шундай экан, мавжуд ҳолатни атрофлича қонуний асосланган ҳолда тушунтириш уларнинг хизматлари доирасидаги вазифа эмасми?

Биз банк соҳасида меҳнат қилаётганларни қораламоқчи эмасмиз. Мазкур жаҳада фидойилик билан хизмат қилиб, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз маъмуричилиги йўлида жонқуярлик қилаётганлар жуда кўп. Муддаомиз, ана шу хушфазилатлар соҳа ходимлари ва бўлажак банк мутахассислари — талаба-ёшларнинг барчасида муржаат қилишга эса ўқувчининг нозик жиҳатлари — эл билан гўзал муомалада бўлиш сирларини билишлари, ўзлари аҳоли эҳтиёжларини қондириш эвазига маош олиб, рўзгор тебраттаётганлари, банклар одамларнинг яхши ниятлар билан жамғарган сармояларини сақлаш, ёхуд уларга кредитлар бериш, турли соҳалар ходимларига маошини тарқатиш сингари мақсадлар учун фаолият юритишини теран англашларини истардик. Касбга ана шу тариқа ёндашувда ҳам маданият, маънавият бор...

«Фалон мамлакатда бўлдик, одамлари ниҳоятда маданиятли, дўконларига кирсанг, шундай ширин муомала қилишадикки, недир сотиб олмай кетолмайсан...» деган ибора қанчалар ёқимли. Ҳа, биргина сотувчининг гўзал хизмати юрт ҳақида таассурот уйғотмоқда. Бундан кўриниб турибдики, инсон ўз касбининг устаси бўлиши мумкин. Аммо ўз вазифасини гўзал муомалаю муносабат билан адо этмас экан, ундан кўпчилик мамнуну миннатдор бўлиши қийин.

Ойбуви ОЧИЛОВА

ХИЗМАТИНГИЗ ГЎЗАЛ БЎЛСА...

кин бу шиддаткор замонда ҳеч ким бировни шунчаки йўқлаб бормаслиги, оддий котиба катта бир ташкилот ёки корхонанинг юзи бўлиб, мурожаат қилувчилар билан муносабатга киришиши хусусида сўз очмоқчимиз, холос. Шу вазифада ишлайдиган айримлар борки, идорасида нима гап бўлаётганини раҳбарининг шахсий ҳаётидаги ўзгаришларнинг ипидан игнасигача эринмай кўчага ёқди. Айримлари эса бошлиқ ва ходимлар ўртасидаги, таъбир жоиз бўлса, «даллол» ёки «қароқчи»га айланади.

Бизнингча, мурожаат қилувчида ҳар қандай ташкилот, жамоа ҳақидаги биринчи тасаввурни бошлиқ қабулхонасида ўтирган шахс — иш юритувчи ёки котиба уйғотади. Шундай экан, котибангиз ким? Ўйлаб кўрингизми? Сиз-чи? Бугун мазкур курсида ўтирган ҳурматли замондошим, ўзингизга қандай талаблар қўлиб, бу вазифани адо эта-япсиз?

ЎҚИТУВЧИНING «МЕҲРИ ТУШГАН» ЎҚУВЧИ НИМА ЮТАДИ-Ю, НИМАНИ ЮТҚАЗАДИ?

Ўша даврадаги суҳбат, тўғриси, мени жуда ўйлантириб қўйди. Муаллима аълочи ўқувчисининг онаси билан эски қадрдонлардек қуюқ сўрашар, синфдан-синфга зўрға ўтадиган боланинг онаси эса нигоҳини қаерга яширишни билмай,

да қаттиққўл, кези келганда меҳрибонлик билан иш кўриши жоиз. Минг бир ташвишларидан ортиб, боласининг ортидан борган ота ёки онанинг эътиборисиз, бир четда мулзам бўлиб ўтиришини кўз ўнгингизга келтиринг: энди у қайтиб мактабга борармикан?

— Ўқитувчи бундай айрича муносабати билан дарсларни ўзлаштира олмай-диган боланинг аини пайтда, ўзи айтган аълочи ўқувчининг руҳиятига ҳам бирдай салбий таъсир ўтказиши мумкин, — дейди психолог, республика «Оила» илмий-амалий маркази илмий ходими Дилрабо Умарова. — Баъзи болалар (мелонхолик) камгап, суст ҳаракат қиладиган, ўзининг қобилиятларини етарлича баҳолай олмайдиган бўлишади. Муаллимнинг шу тахлит муомаласи уларда янада тушқун кайфиятни пайдо қилиши мумкин. Негаки, улар атрофидагиларнинг рабгатида ҳамisha муҳтож бўлишади. Таъкидлаб ўтмоқчиманки, ҳеч бир бола мутлақо иқтидорсиз бўлиб дунёга келмайди. Фақат ўз истеъдодини намоён эта олмаслиги мумкин. Ўқитувчи зийраклик билан ана шу ўқувчидаги яширин ҳислатларни кўра олиши, ҳар бир боланинг характер хусусиятларига қараб иш тутиши, аммо ҳеч қачон бирини осмонга кўтариб, иккинчисини ерга урмаслиги керак.

ри тушган» ўқувчига қанчалар эътибор қаратиб, ўзига яқинлаштиришга уринмасин ёки, аксинча, ҳар икки ҳолатда ҳам дўстлари олдидаги хижолатбозлиги дилхираликлардан бошқа нарсакўра олмаймиз. Демак, ҳақ сўз йиллар ўтиб, маълум маънода инсоннинг ақлу тафаккури тиниклашгач айтилар экан. Аини пайтда «ёмон» дея бир четда қимтиниб юрган болалар ҳамиша «ёмон» бўлиб қолмаслигини ҳам олий ҳакам — вақт далиллаб келмоқда! Ўқитувчининг тўғри, ҳаммага бирдек муносабати эса ўқувчинини кечиримлилиқка, багрикенгликка ундайди, ҳамиша ҳақ сўзни айтишга ўргатиб боради.

БАНК МИЖОЗ УЧУНИ, МИЖОЗ БАНК УЧУН?

Тўғри, жуда кўп банкларнинг хизмат кўрсатиш бўлими пештоқларига «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» деган мазмундаги иборалар ёзиб қўйилган. Бундан суюниб кетасан киши. Ҳукуматимиз томонидан банк хизматини ривожлантиришга доир қабул

Ер юзининг ҳар бир қитъасида, ҳар бир мамлакатда ўзига яраша экологик муаммолар бор ва аёнки, бугунги кунда бундай муаммолар долзарб аҳамият касб этади. Боиси, табиат ва инсон ҳаёти узвий боғлиқ, бирининг мавжудлигини иккинчисисиз тасаввур қилиш мушкул. Лекин ана шу узвийлиқни бузишга ҳаракат қиладиган баъзи инсонлар онгли равишда табиатга зарар етказиш, тирикчилигининг асоси шу боғлиқликда эканини била туриб бунга қўз юмади. Айниқса, инсонларнинг сайёраимизда тобора камайиб бораётган ҳайвонларни қонунга зид равишда овлашти, улардан ўз эҳтиёжлари йўлида фойдаланиши кўп кузатилаётгани ачинарли ҳолдир. Бугунги кунда долзарб экологик муаммолар қаторига браконьерлик, яъни ноёб турдаги ҳайвонларнинг ноқонуний ови билан шуғулланиш фаолияти ҳам киритилган. Мазкур фаолиятнинг табиатга нисбатан берилаётган жиддий зарба эканлигини, унинг келтираётган катта зарарини англаб етган мутахассислар дунё олимлари браконьерликни жиноят ва бу иш билан шуғулланувчиларни эса жиноятчилар дея атамоқда.


«Википедия» электрон энциклопедиясида келтирилишича, браконьерлик — йиртқич ҳайвонлар ва қушларни ов қилиш қоидалари ҳамда табиатни асраш талабларига амал қилмаган ҳолда қўлга киритиш, дея таъриф берилади. Бундай фаолият билан шуғулланувчи браконьерлар кўп ҳолларда «Қизил китоб»га киритилган жонзотларни таққиланган ҳудудларда, яъни миллий боғларда, қўриқхоналарда, ов қилиш маълум муддатга ман қилинган жойларда ҳеч қандай гувоҳномасиз, овчилик ҳуқуқсиз ҳамда овчиликни муҳофаза қилиш қоидаларини бузган ҳолда овлайди. Браконьерларнинг мазкур ҳаракатлари оқибатида кўплаб ноёб жониворлар жуда камайиб, деярли йўқолиб кетиш арафасида тургани ҳам бор гап. Бу каби «табиат фожи»ларининг олдини олиш мақсадида бугунга келиб кўплаб давлатларда браконьерлик билан шуғулланган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича қонунлар жорий қилинган.

Дунё мутахассисларининг кўп йиллик тажрибалари кўрсатишича, браконьерлик чиндан ҳам жонли табиатга ўнганмайдиган даражада катта зарар келтиради. Ахир одамлар мўмай даромад топиш мақсадида ўзи шундоқ ҳам камайиб бораётган жониворларни ваҳшийларча нобуд қилади. Масалан, экологларнинг маълум қилишича, Болтиқбўйи ўрмонида ва Болтиқбўйи миллий боғида браконьерлик туфайли кабарга (кийиксимон шохсиз ҳайвон) ва изюбр(Шарқий Сибир бугус)ининг сонини тез суръатларда камайиб кетган.

Африкада браконьерлар томонидан ёввойи ва экзотик ҳайвонларни қириш ўтган асрнинг 70—80-йилларидаёқ жиддий, амалий жиҳатдан ҳал қилиниши қийин бўлган муаммолардан бирига айланиб улгурган. Қора қитъада амалга оширилаётган саёй-ҳаракатларга қарамай, ҳамон ҳар йили браконьерлар минглаб филлар, йўлбарслар, каркидон ва бошқа ёввойи ҳайвонларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлмоқда. Қитъадаги Табиатни муҳофаза қилиш хизмати маълумотларига қўра, Жанубий Африкада ноёб турдаги жонзот дея эълон қилинганга қарамай, ҳар куни ўртача 2та каркидон браконьерлар қурбонига ай-

нинг умуман иложи бўлмапти. Аммо каркидон шохини бўйича тадқиқот ўтказган олимлар унда даволоччи хусусиятга эга бўлган модда йўқлигини аниқлашган. Ундан фақатгина тирноқ ва сочларни парваришда фойдаланиш мумкин экан. Лекин «овчи»ларнинг бунини тушуниши истамаётгани ёки онгли равишда оддий аҳолини ўз чўпчакларига ишонтираётгани боис ҳар йили минглаб жониворлар қирилиб кетмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ёввойи мушуклар сирасига кирувчи ҳайвонларнинг териси ҳар доим контрабанда билан шуғулланувчиларнинг эътиборини ўзига жалб



ҳодимлари томонидан браконьерлик маҳсулотларини назорат қилиш жуда суст йўлга қўйилган экан. Масалан, Жанубий Африка Республикасида божхона хизмати асосан солиқларни йиғиш билан шуғулланиб, контрабанда ва

Мамлакатимизда ҳам мазкур ноқонуний фаолиятга нисбатан қарши курашиш чоралари ишлаб чиқилиб, ўзига хос ҳуқуқий база яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XIV бўлими атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятларга бағишланган бўлиб, унинг 202-моддаси айнан браконьерликка тегишли. Унда овчилик, балиқчилик ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини ушлаш қоидаларини бузиш, ноёб ҳайвонларни тутишининг белгиланган тартиби ёки шартларини ёхуд ўсимликларнинг дори-дармон, озиқ-овқат ва манзарали (декоратив) турларини йиғиш ёки тайёрлаш, шунингдек, махсус қўриқланадиган табиий ҳудудлардаги ҳайвонот ва ўсимлик оламида фойдаланиш тартибини бузиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса жазоланади, дейилади.

Ҳайвонлар, пarrандalar, балиқ, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг «Қизил китоб»га киритилган бошқа турларини нобуд қилиш орқали кўп миқдорда зарар етказилган бўлса, бир гуруҳ шахслар томонидан тил бириктирилиб содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тuzатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ёз мавсуми ов қилиш учун анча қулай давр ҳисобланади. Айнан шу пайтда бўш вақтинини «унумли» ўтказиш мақсадида овга чиқувчилар ҳам кўпаяди. Уларнинг бу қизиқишлари оқибатида минглаб ҳайвонлар қирилиб, камайиб бораверади. Мана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида кўп жойларда браконьерликка қарши зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, бунга ўрмон ҳодимлари, чўпонлар жалб қилинмоқда. Улар ўрмон ҳўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳодимларига ноқонуний ов қилинаётгани ҳақида олдиндан хабар беришади. Бу эса биринчи навбатда, браконьерликнинг вақтинча бўлса ҳам тўхтатилишига, тартиббузарликларнинг олди олинишига катта ёрдам бўлади. Мутахассислар ушбу амалий тадбирлар кейинчалик ҳам самарали натижа бериши учун уларнинг фаолиятини кенгайтириш лозимлиги ҳақида таъкидлашмоқда.

Сурайё
СИРОЖИДДИНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

БРАКОНЬЕРЛИК — ТАБИАТГА БЕРИЛГАН ЗАРБА



ланади. Бунинг сабаби кўпинча молиявий даромад топишга бориб тақалади, чунки бугун ноёб турдаги каркидон шохининг баҳоси олтинга тенг экан.

Яна маълум бўлишича, африкалик браконьерлар ўлжаларини сотиб олувчилар асосан шарқий осийликлар ҳисобланади. Мутахассислар олиб борган таҳлиллар шунини кўрсатадики, ноқонуний равишда қўлга киритилган ва четга чиқарилган браконьерлар «мехнатчи» маҳсулларидан бири — фил суягини катта миқдорда мусодара қилиш 1989 йилларда бошланган. Шу йили Осиёга экспорт қилинган маҳсулотнинг 80 фоизи қора қитъа назоратчилари ва божхона ҳодимлари томонидан мусодара қилинган. Тайванд 1985 йили каркидон ва шу сингари ноёб ҳайвон сўяқларини импорт қилиш тақиқланган бўлса-да, бу мамлакат контрабанда маҳсулотларининг асосий истеъмолчиси ҳисобланар экан.

Шуни алоҳида айтиш кераки, шарқ таёбати асосида фаолият юритадиган дорихоналарда таркибида каркидон шохидан тайёрланган модда мавжуд бўлган дорилар жуда қимматбаҳолиги сабаб контрабандани тўхтатиш-

қилиб келган. Йўлбарс, қоплон, оцелот, ягуарларнинг териси ўзгача чиройлилиги ҳамда ундан қимматбаҳо мўйна тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги уларни овлашнинг бирдан-бир сабаби ҳисобланади.

Йўлбарсларнинг суягини терисига қараганда анча қимматбаҳо экани билан браконьерларнинг диққат марказида туради. Унинг суяги мана бир неча асрдирки, Хитой таёбатида дори воситаси сифатида ишлатиб келинади.

Дунё миқёсида олганда, браконьерлик ҳамда бу фаолият сабабли қўлга киритилган маҳсулотлар контрабандага қарши кураш 1980 йилга келиб кучайиб кетди, дейилади «ФизОрг» манбасида. Бундай фаолият кўп кузатиладиган Африка давлатларининг кўплаб шахарларида ноёб жониворлар организмларидан тайёрланган маҳсулотларни сотиш бутунлай тақиқланди. 1990 йилга келиб дунёнинг 130дан ортиқ мамлакатида фил суягидан тайёрланадиган маҳсулотлар савдоси қаттиқ назорат остига олинди. Чунки филлар яшайдиган мамлакатларга келадиган сайёҳлар ўртасида сўровнома ўтказилганда, уларнинг деярли барчаси Африкага саёхатга келганларида, албатта, фил суягидан ясалган сувенирларни сотиб олишини айтиб ўтишар.

Тарғибот ва тушунтириш ишларига қарамай, ҳали ҳамон Африканинг қатор давлатларида чегара божхонаси

бошқа ишларга унчалик эътибор қаратишмайди. Агар ЖАРдаги кичик аэропортдан самолёт кечаси учадиган бўлса, контрабанда маҳсулотларини тонг отгунига қадар бемалол олиб ўтиб кетиш мумкин, сабаби бунга деярли ҳеч ким тўсқинлик қилмайди. Қитъанинг бир қанча мамлакатларида, масалан, Намибия, Ботсвана, Лесото ва Свазилендда божхона ягона иттифоққа бирлашган бўлиб, Жанубий Африка орқали қўшни давлатларга ҳар қандай юкни расмийлаштирмасдан олиб ўтиш имконияти мавжуд. Англаганингиздек, бу жиноятчи-браконьерлар учун жуда қўл келади.

Браконьерлик фаолияти бугун пайдо бўлган эмас. Ўтмишда ҳам ноқонуний равишда ов билан машғул бўлган инсонлар учраган ва турли ҳудудларда уларга ҳар хил жазолар қўлланилган. Хусусан, қадим Эрон ва Чин ўлкасида қора икра(балиқ уруғи) контрабандаси билан шуғулланган шахслар қатл этилган экан. Германияда XVI асрда браконьерлар мамлакатнинг турли бурчакларидаги қонларга юборилиб, мажбурий равишда оғир ишларга жалб этилган. Аксарият Европа давлатларида жиноятчи-браконьерлар бошқаларга ўрнал бўлсин учун хатто дорга ҳам осилган. XX асрга келиб эса қўхна қитъада браконьерларга нисбатан қўлланиладиган жазо турлари бирмунча юмшаб, улар фақат қамоққа олина бошланган. Бугунги кунда ҳам кўплаб давлатларда бундай қонунлар мавжуд. Албатта, улар ўтмишдагига нисбатан энгиллашган бўлиб, жиноятчилар олдинги даврдаги сингари дорга осилмас-да, катта миқдорда жарима тўлайди, мажбурий ишларга жалб этилади ёки қамоқ жазосига тортилади.

БИЛИМ ЭГАЛЛАШ ВАЗНГА БОҒЛИҚМИ?

Енгил вазнда туғилган ва тартибсиз овқатланган ўсмирлар, айниқса қизлар, билимларни яхши ўзлаштира олмас ва ёмон хулқ-атворга эга бўлиши мумкин экан. Австралиядagi Монаш университети, Тайваннинг Миллий хавфсизлик тиббиёт маркази ва Соғлиқни сақлаш миллий институти ходимлари 6—13 ёшдаги болалар иштирокида ўтказилган изланиш якунида шундай хулосага келишган, дейилади «ФизОрг» манбасида.

Тадқиқот қизларнинг когнитив ва ижтимоий ривожланиши туғилганда қандай вазнга эга бўлгани ҳамда овқатланиш сифатига боғлиқ эканини кўрсатди. Хусусан, туғилганда 2,7 килограммдан кичик вазнга эга бўлган қизлар атрофдагилар билан мулоқот қилишда қийинчиликка учраб, ҳаётидан кўнгли тўлмаган ва бoshқаларга нисбатан ижтимоий мослашувчанлиги паст бўлган. Аини пайтда кичик вазнда туғилган қизларнинг неврологик ривожланишидаги камчиликларни тўлақонли овқатланиш тартибига амал қилиш орқали бартараф этиш мумкинлиги ҳам таъкидланмоқда.

Эътиборлиси, ўғил болаларнинг бу борадаги вазн кўрсаткичи ва болаликдаги овқатланиш сифати уларнинг таълим олиши ҳамда хулқига таъсир кўрсатмас экан. Шунга қарамай, изланиш муаллифлари оналар ва болалар вазни ҳамда жинсидан қатъи назар, сифатли овқатланиши лозим, дея таъкидлашмоқда.

МАЪЛУМОТЛАР «ОЛТИН» ШАКЛДА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

Буюк Британия 2013 йилнинг апрелига келиб илмий мақолалар базасини ташкил этиб, барча фойдаланувчиларга ундан фойдаланиш имконини яратишини маълум қилди. Бироз муддатдан сўнг Европа Комиссияси ҳам мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлади ва кенг омма учун «Horizon 2020» дастури доирасида молиялаштирилаётган барча илмий изланишлар натижаларини очик тақдим этишни таклиф этди. «Nature News» манбасида бу ҳақида маълум қилинди.



эса 2016 йилга келиб Европа давлатлари бюджет томонидан молиялаштирилаётган лойиҳа натижаларининг ҳеч қандай маблағ талаб қилмасдан очик чоп этилишини таъминлашдан иборат.

Лекин мазкур қарордан қувонишга ҳали эрта, дея таъкидлашмоқда баъзи мутахассислар. Чунки маълумотлар очиклигининг бундай «олтин» шакли, яъни давлат томонидан илмий журналлардан ахборотнинг сотиб олинисини бошқа молиявий ташкилотларнинг «яшил» усулига зарба бериши мумкин экан. АҚШ соғлиқни сақлаш институти, Австралия Соғлиқни сақлаш ва тиббий тадқиқотлар миллий кенгаши амалда қўллаётган «яшил» шаклда эса изланишлар натижалари мақола шаклида чоп этилганидан сўнг, бир йил муддат ўтгач алоҳида маълумотлар базасида оммага кенг тақдим этилади.

Айни пайтда «олтин ва «яшил» усулларнинг аралаш шаклидан фойдаланиш режасини Тадқиқотлар Кенгаши — давлат грантларини бошқарадиган етти та миллий илмий кенгашларни бирлаштирувчи ташкилот қабул қилди. Таъкидланишича, мазкур режа ҳозир мақсадаг энг мувофиқи, дея эътироф этилмоқда. Шу боис ташкилот йиллик бюджетининг 1-1,5 фоизини (тахми-



нан 2,5 миллиард фунт стерлинг) маълумотларни «олтин» шаклда тақдим этишга сарфламоқчи.

ДЕЛЬФИНЛАРНИНГ МУРАККАБ «ХИСОБ-КИТОБИ»

Ов қилаётган дельфинлар ўз ўлжасини ҳаво пуфакчалари билан чалғитар экан. Шу билан бир-

га, улар сонордан фойдаланиб товуш акс-садоси ёрдамида шовқиндан сигнални ажратиб олиш учун мураккаб амалларни бажаради. Буюк Британиядаги Саусхэмптон университети олимларининг изланишлари якунида шундай хулосага келинди, дейилади «Компьюлента» манбасида.

Таъкидланишича, ов пайтида дельфинлар гидролокатордан фойдаланиб, товуш сигналларини сув қатламига жўнатади ва қайтаётган акс-садога қулоқ тутлади. Сабаби, улар акс-садога қараб ўлжани тутиш учун қайси йўналиш томон ҳаракатланишни аниқлайди. Худди шу пайтда яна жонзотлар ҳаво пуфакчаларини чиқариб ўлжани чалғитишга ҳам ҳаракат қилади. Савол туғилади: қандай қилиб дельфинлар пуфакчалар орасидан ўлжани топишга муваффақ бўлади? Ахир пуфакчалар сигнални қайтаради, демакки, дельфинларга акс-садо сифатида аралаш товушлар қайтиши мумкин-ку.

Британиялик олимлар мазкур ноодатий ов қилиш ҳодисасига изоҳ топишга эришишди. Уларнинг таъкидлашича, дельфинлар ўзларига керак сигнални қабул қилиш учун ҳалал берадиган шовқиндан халос бўлишга ҳаракат қилади. Бунинг учун улар ўзига хос тарзда шовқинни кучайтиради ва келаётган сигнални ажратиб олишга эришади. Бироқ бунинг учун жонзотларга хос бўлмаган тарзда ҳисоб-китобни амалга ошириш зарур бўлади ва айнан шу ҳолат олимларни ҳайрон қолдирди.

ОКЕАНГА ТЕМИР ЁРДАМ БЕРАДИ

Бир неча йил олдин глобал исишга самарали қарши курашиш усулларидан бири сифатида океанларда сув ўтларининг ўсишини тезлаштириш ва шу йўл билан атмосферадаги ортықча карбонат ангидридни йўқотиш таклифи илгари сурилган. Лекин қатор изланишлар мазкур методнинг самарасиз эканини кўрсатди. Шунга қарамай, 8 йил олдин Жанубий океанда ўтказилган изланиш натижалари мутахассисларда қутилмаганда умид учқунларини пайдо қилди. Мавзуга оид мақола «Табиат» («Nature») журналыда чоп этилди.



2004 йили олимлар 167 квадрат километр майдонни бир неча тонна темир сульфати билан ўғитлашган. Сўнгра 37 кун давомида «Поларстерн» Германия тадқиқотчилик кемасидан туриб темир моддаси кам, лекин бошқа озуқа моддалари билан тўйинган океanning мазкур қисмида бир ҳужайрали сув ўтлари (фитопланктон)нинг гуллаши ва нобуд бўлиши кузатишган. Якунда маълум бўлишича, океанга ташланган ҳар бир темир атоми фотосинтез қилувчи сув ўтлари ўсишини тезлаштирган ҳолда уларнинг атмосферадан камида 13 мингта углерод атомини «олиб чиқиш»га туртки берди. Қолаверса, ушбу карбонат ангидриднинг катта қисми океан қаърига чўкиб, у ерда асрлар давомида сақланади.

Германиядаги кутб ва денгиз тадқиқотлари институти олимларининг таъкидлашича, 1988 йили океанограф Жон Мартин темир моддасининг камлиги Тинч океанининг баъзи субарктик ҳудудларида фитопланктон ўсишини чеклаши мумкинлиги тўғрисида маълум қилган. Шу билан бирга олим қуруқ континентал ҳудудлардан келадиган темирга бой чанг ўтмишда океандаги ўсимликларнинг жадал ўсиши ва атмосферадаги карбонат ангидриднинг камайишига туртки бўлган, деган фикрни илгари сурган эди. Немис олимларининг изланиши эса мазкур фикрнинг тўғрилигини исботлади.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



АҚШнинг Оклахома штатида шамол ва куруқ об-ҳаво сабаб кучайиб бораётган ўрмон ёнғинлари 120дан ортық турар-жойларни вайрон қилиб яқин атрофдаги Пэйн, Крик ва Оклахома шаҳарларининг бир неча минг аҳолисини шошилинч равишда эвакуация қилишга сабаб бўлди.

Янги Зеландия шимолида сўнгги 115 йил давомида биринчи марта ба юз берган Тонгариро вулкони оқибатида тунли булут 6 минг метр баландликка кўтарилиб, лава оқимлари ҳосил бўлгани боис, хавфсизлик нуқтаи назаридан ўнлаб авиопарвозлар бекор қилинган.

Нигериянинг Отит шаҳридаги черковларнинг бирида номаълум шахс ибодатга келган одамларга қарата ўқ очган, натижада 16 нафар инсон ҳаётдан кўз юмган, кўплаб инсонлар турли даражадаги жароҳат олган.

Канар оролларида юз берган ёнғинлар сабабли 4 минг гектардан ортық ҳудуд ва ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган объектлардан бири ва ноёб ўсимликлар макони ҳисобланган Гарахонай миллий паркиннинг бир қисми зарар кўрган.

Сенегалнинг Сикило ҳудудида йўловчи автобусининг кўмир ташийдиган юк машинаси билан тўқнашиб кетиши оқибатида 20 нафардан ортық одам ҳалок бўлган, бир нечтаси эса жароҳат олган, дея хабар беради «Франс-Пресс» ахборот агентлиги.

Океанортидаги Калифорния штатида «Чеврон» («Chevron») энергетика компаниясига қарашли энг йирик нефтни қайта ишловчи заводда ёнғин чиқиб, тутун 12 метр баландликка кўтарилган, маҳаллий аҳоли эса қора олтин маҳсулотлари ёнғини туфайли заҳарланиш хавфи борлиги ва офат бартараф этилмагунча уйлари тарк этмаслик ҳақида огоҳлантирилган.

ЖАҲЛ, ЖИЗЗАКИЛИК ВА ИНЖИҚЛИК

Жаҳл, аслида, одамнинг ташқи таъсирларга берадиган жавоб реакцияси эмас, балки характерида ийилар мобайнида йиғилиб борган, асаб торларини таранглаштирувчи ҳамда «портлаш»га олиб келувчи ҳавотирли ва қусурли ҳолатдир. Жаҳл устида ўйламай гапириб қўйиш ёки қутилмаганда жисмоний куч ишлатиш сўнгги пушаймонга сабаб бўлади. Анча-мунча нарсадан қониқиш ҳосил қилмаслик, норизо оҳангда сўзлаш, салга аразлаб, қовоқ-тумшук қилиш жаҳлдорлик белгисидир. Жиззаки одамларга битта гап камлик, иккитаси ортиқчилик қилади, бир яримтасини топиб гапириш ундан-да қийин. Агар ота-она боласини ёшлигидан эрка ва танитқ қилиб, эҳтиёжларини тўлиқ қондириб, «айтгани айтган, дегани деган» қилиб ўстирган бўлса, унинг феъл-атворида жаззакилик шаклланади. Яна бир сабаби — жаҳли бурни учига турадиган кишилар болалигида ҳаддан ташқари кўп касалликка чалинган, авайлаб эҳтиёт қилинган, муқтали ҳаракат қилиши учун ота-онаси томонидан умуман имконият берилмаган. Бундай одамлар қийинчилик кўрганида кимдир гапини маъқулламас, бирдан ловиллаб кетиб, кўпчиликда

ноҳуш таассурот қолдирадиган шахсга айланади. Табиийки, бола катталар орасига қўшилгач, хоҳиш-истаклари доим ҳам инobatга олинавермайди, бу эса унда жаззакиликнинг янада чуқурроқ илдири отишига замин яратди. Бора-бора инжиқлик илллати одатийлик касб этиб, эл орасида обрўсизланишига олиб келади. Ён-атрофдагилар жаҳли тез бундай одамдан қочишга интилади.

Жиззаки одамлар бошқалар билан умуман ҳисоблашмайди: ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси ва фарзандлари билан ҳам кўпол муомалада бўлаверади. Унинг шиори — қилдан қийиқ ахтариш, тирноқнинг тагидан кир қидириш. Моҳиятан олиб қаралганда, жаҳл очлик, иссиқ-совуқ, турли офат-қулфатлар, йиртқи-ч хайвонлардан ҳимояланиш, ўзига нисбатан қарши фикр билдириш натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Ноҳақлик, оқни қора дейиш, адолатсизлик, адоват, тухмат ва виждонсизликка қаратилган жаҳл билан шахсий манфаат йўлидаги мурасасиз жаҳли фарқлаш лозим.

Кузатамизки, жаззаки ва инжиқ шахслар ҳаммаша эътибор ҳамда ғамхўрлик истайди, буйруқ оҳангидаги гапларни ва

танқидни мутлақо ёқтирмайди. Атрофдагилар мен билан ҳисоблашишга мажбур, мени тинглаш зарур деб фикрлайди. Кўнгли тўлмаган ўринларда очикча аразлаб, буни ташқи қиёфасида яққол намойн қилади. Ҳўш, бундай одамларни қайта тарбиялаб бўладими?

Педагогика фани бу азалий саволга жавоб излайди. Жавобни илмий манбалардан эмас, ҳаётнинг ўзидан ахтариш лозим. Агарда жаҳлдор ва инжиқ одам билан бир кабинетда ёки жамоада ишлаётган бўлсангиз, кўпол муомаласига дағаллик билан жавоб беришдан тийилинг. У билан ҳар қандай ҳолатда хушмуомала бўлаверинг, камчиликларни ўрнига бутунлай тескари таъриф беринг, озгингиздан бол томиб мактанг. Вақт ўтиши билан ижобий муносабат жаҳли тез, жаззаки инсонни ўзгартири бошлаганини пайқасиз. Аммо бу ёндашувни оилада фарзанд тарбиясига қўллашни маслаҳат бермаймиз, бола ҳаддан ташқари талтайиб кетиши ҳеч гапмас. Яхшиши, болани тарбиянинг барча усулларини қўллаган ҳолда улғайтириш даркор. Шунда ҳеч кимга ёқмайдиган жаззаки ва инжиқ кимсалар камайиши мумкин.

Sizga gapim bor

Гўдак онадан фариштадек пок бўлиб туғилади. Наслий хусусиятлар ген орқали ўтишини инobatга олган ҳолда айтиш мумкинки, атроф-муҳит, ички ва ташқи таъсир этувчи кучлар орқали шаклландиган салбий хусусиятлар ўша покликка кўпроқ путур етказиши. Шулардан бири ёлғончилик бўлиб, у наслий характерда эмас, индивидуал ҳаёт жараёнида муҳитнинг турли

томонидан шахс олдиға қўйилган ижтимоий талабларнинг бузилиши деб баҳолайди. Бунинг натижасида шахслараро муносабатларга путур етади, ҳар хил муаммолар вазиятлар юзага келади, зиддиятлар пайдо бўлади.

Умуман ёлғон гапирмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Қайсидир ўринда, масалан, ўлим тўшагида ётган беморга «Ҳали отдек бўлиб кетасиз!» дея

ҳаракат қилиши сўрономалар орқали аён бўлган.

Ёлғончиликнинг объектив ва субъектив сабаблари ўрганилганда ўзини ҳимоя қилиш ва оқлаш, жазоланишдан қўриқиб, ўз тенгқурлари ёки атрофдагиларни ҳимоя қилиш, муаммолар вазиятдан чиқиш, уялиш ва обрўсизланишдан қўчиш, ўзини кўрсатиб қўйиш каби омиллар бирламчилиги ойдинлашади.

Баъзи кимсаларнинг наздида, бахтли, омадли

ЁЛҒОНЧИЛИК НИМАДАН БОШЛАНАДИ?

хил таъсирларига жавоб реакцияси кўринишида орттирилади. Яъники, боланинг ёлғончи бўлишига асосан катталар шарт-шароит яратишади. Биз болани очикдан-очик алдаймиз, ёлғон гапиришга мажбур қиламиз, бирор нарсани ваъда қилиб, бажармаймиз; кўрқитиш, пўписа қилиш ёлғончилик кўчасига киришириш дастлабки қадамлари бўлишини унутиб қўямиз.

Ёлғончилик, аслида, муайян шахс феъл-атворида шаклланиган ҳолат бўлса-да, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий иқлимга салбий таъсири ҳам кузатилади. Кимнидир алдаш, ҳув туширишни педагогика фани жамият

ёлғон гапириш оқланади. Шифокорлар ҳузурига келган кишиларнинг кўнглини кўтариш учун бир кунда юз мартаба ёки ундан ҳам кўп бора ёлғон ишлатишга мажбур бўлар экан. Аммо бу бозор расталарини эгаллаб олган тadbиркорларнинг алдоқчилигидан кескин фарқ қилади. Ахир, улар харидорни ҳув тушириб сифатсиз маҳсулотни сотиши, бундан мумай даромад ортириши керак. Судланувчи ва гувоҳларнинг 60 фоиздан ортиғи судьялар олдида ёлғон кўрсатма бериши аниқланган бўлса, тарбиясида қусури бор болаларнинг 70 фоизи ўқитувчи ва ота-онасини алдашга

ва мартабали бўлиш учун озгина ёлғончи, ҳушомадгўй, эпчил, чаққон, ташкилотчи, сўзамол, олди-берди ишларни қойилмақом бажарувчи бўлиш лозим. Ишбилармонлик ва тadbиркорликни ўзлаштирган яхши, аммо алдаш эвазига амалга оширилган ишнинг охири барибир «вой» бўлади.

Ёлғончилик юқумли касалликка ўхшайди, белгиларини сезган заҳоти бартараф этишга ҳаракат қилмасак, урчиб кетишига сабабчи бўлиб қоламиз.

Ҳабибулло АБДУКАРИМОВ,
Гулистон давлат университети
доценти, педагогика фанлари номзоди

Реклама • Эълонлар • Реклама • Эълонлар • Реклама • Эълонлар • Реклама • Эълонлар • Реклама • Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази

“2012 йилда академик лицей ва касб-хунар коллежларига ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, тиббиёт ва спорт жиҳозлари, тикув ва чилангарлик устахона жиҳозлари, замонавий компьютер техникалари, йўл ҳаракати қондаси хонаси жиҳозлари ҳамда мебель жиҳозларини” харид қилиш бўйича ТЕНДЕР савдолари ўтказилиши муддатини узайтиришини эълон қилади.

Тендер ҳужжатлари пакетини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар ишчи органининг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига ҳар бир лот учун алоҳида 600 000 (олти юз минг) сўм миқдоридан қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари шарт:

- Лот № 1 Умумтаълим фанлари учун ўқув-лаборатория жиҳозлари
- Лот № 2 Компьютер синфлари учун компьютер техникалари
- Лот № 3 Ахборот-ресурс марказлари учун компьютер техникалари
- Лот № 4 Чилангарлик устахона жиҳозлари
- Лот № 5 Тикув устахона жиҳозлари
- Лот № 6 Спорт жиҳозлари
- Лот № 7 Йўл ҳаракати қондаси хоналари жиҳозлари
- Лот № 8 Тиббиёт жиҳозлари
- Лот № 9 Ётоқхона жиҳозлари
- Лот № 10 Мебеллар

Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг банк реквизитлари:

Молия вазирлиги Фазначилиги
Х/р: 2340 2000 3001 0000 1010,

ш/хв: 4999 10860 26 280 7950 100 028 001
ХККМ Марказий банк Бош бошқармаси,
МФО: 00014, ОКОНХ: 92120,
ИНН Фазначилик 201 122 919, ИНН ЎМКХТ Маркази 202 515 618

100095, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази.
Тел: (8-371) 246-12-40, 246-12-74
Факс: (8-371) 246-12-40, 246-12-74.
E-mail: sspo_taminot@mail.ru

Шунингдек, қўшимча маълумотларни ҳамда харид қилинаётган маҳсулотларнинг энг юқори нархлари ҳақидаги қўшимча маълумотларни эълон чиққан кундан бошлаб Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази www.markaz.uz электрон сайтидан олишлари мумкин.

Тендер таклифлари Тендер комиссиясининг Ишчи органига (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) юқорида кўрсатилган манзил бўйича 2012 йил 24 август соат 18:00дан кечикмасдан тақдим этилиши лозим.

Тендер таклифлари солинган конвертларнинг очилиши Тендер комиссияси томонидан амалга оширилади.

МЕНЬКОВ БУГУН ҲАЛ ҚИЛАДИ



Аббос эса реванш олишга муваффақ бўлди

Лондон шаҳрида давом этаётган XXX ёзги олимпия ўйинларининг якунланишига тўрт кун қолди. Бу эса медаллар учун кечадиган курашларнинг ҳар бири янада ҳаяжонли ва мурасасиз тарзда ўтишини билдиради. Шу билан бирга галаба қозониш имкони ҳам тобора камайишини унутмаслик керак.

Олимпиада ўйинларида иштирок этаётган юртдошларимиз орасида иқтидорли ёш спортчи Вадим Меньковнинг интилишлари барчамизни қувонтирмоқда. Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича дунёнинг уч қарра энг яхши спортчиси, дея тан олинган Вадим Лондон олимпиадасида ҳам бу эътирофлар тасодифий эмаслигини исботлашга жуда яқин турибди. У олимпия ўйинлари дастурига киритилган 1000 метрга каноэда эшак эшишда саралаш мусобақаларидан қутилганидан муваффақиятли ўта олди.

Дастлабки босқичда В.Меньков 17 мамлакат вакиллари орасида маррага иккинчи бўлиб етиб келди ва ярим финалга йўлланма олди. Ҳал қилувчи матч йўлланмасини тақдим этувчи

жиддий кимўзарда эса у 16 нафар спортчи орасида маррани тўртинчи бўлиб забт этди.

Вадим Меньков учун бу олимпиада ўйинларининг биринчи финали эмас, албатта. У Пекинда ҳам финалга қадам етиб келган, бироқ ўшанда кучли учликка «бир қадам» қолганди, аниқроғи, тўртинчи ўрин билан қияланганди. Умид қиламизки, бугун бўлиб ўтадиган финалда каноэчимиз ўз мақсадига эришади ва олимпиада медалига интиқ миллионлаб ўзбекистонлик ихлосмандларни хушнуд этади.

Бокс бўйича икки қарра жаҳон чемпиони Аббос Атоев ҳам мухлисларни қувонтиришда давом этмоқда. У чорак финалда хиндистонлик рақиб Вижендер Сингга қарши рингга чиқди. 75

килограмм вазн тоифасида куч синашган боксчилар бир-бирини яхши танишади. Улар ўтган йили ўтказилган олимпия саралаш турнирида ўзаро рўбарў келган ва унда Аббос мағлубиятга учраган эди. Лондон олимпиадаси эса Атоев учун реванш олиш имконини яратди. Бу сафар ҳам Вижендернинг фаоллиги кузатилди, бироқ ҳимоявий жанг тактикасига таянган Аббос керакли очколарни тўплашга муваффақ бўлди. Якуний ҳисоб — 17:13, боксчимиз ярим финалда. У 10 август куни ҳал қилувчи йўлланмани қўлга киритиш учун япониялик Рёто Муратага қарши рингга чиқди.

Афсуски, 60 килограмм вазн тоифасида ишончли одимлаётган яна бир иқтидорли боксчимиз Фазлиддин Ғоипназаров чорак финалда мағлубиятга учради. Жанубий кореялик Сун Чун Халлга қарши кечган жангда Фазлиддиннинг Лондон олимпиадасидаги иштироки якун топди, якуний

натижа — 16:13. Аммо юртдошларимиз Фазлиддин тимсолида яна бир аjoyиб боксчимиз шаклланаётганига амин бўлишди. Ҳали уни олдинда юксак галабалар кутаётгани аниқ.

Оғир атлетикачиларимиз Руслан Нуриддинов ва Иван Ефремов 105 килограмм вазн тоифасида ўз юришларини ўтказиб, кўпчиликда анча вақтгача, тўғрироғи, голиб ва совриндорлар аниқлангунга қадар умид учкунларини ёкишди. Бироқ... Руслан Нуриддинов даст кўтаришда 184 кг.ни, силтаб кўтаришда эса 218 кг.ни кўтарган бўлса, Иван жами 401 кг.лик тошни бўйсундирди, медаллар учун талаб этилган қўшимча килограммлар эса вакилларимизга оғирлик қилди.

Шунингдек, Наталья Асанова, Суҳроб Ҳўжаев, Александра Котлярова ва Анастасия Журавлёва, Элмурод Тасмуродов ва



Мўминжон Абдуллаев, Екатерина Хилько, Сакина Мамедова, Шерзоджон Юсупов каби спортчиларимиз ҳам Лондон олимпиадаси билан медалсиз хайрлашди.

Кеча тўрт нафар вакилимиз мусобақаларда

қатнашди: 500 метрга байдаркада эшак эшиш бўйича Юлия Борзова, найза улоқтириш баҳсида Анастасия Свечникова, узунликка сакраш мусобақасида Юлия Тарасова, бокс муштаклашувида Жасурбек Латипов.

Бугун эса медаллар мажмуасининг 17таси ўз эгаларини топади. Юртдошларимиздан эса икки нафар энгил атлетикачимиз Иван Зайцев ва Рифат Артиков ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Эртага эса Светлана Радзивил, Дмитрий Ким, Надья Дусанова, Ульяна Трофимова каби спортчиларимиз мусобақани бошлашади. Мурасасиз курашларда спортчиларимизга омад ёр бўлсин!

Зоҳиджон ХОЛОВ

УЛБОШ МОМОНИНГ БАХТИ

Қашқадарё вилоятида Рўзикул ва Улбош Маҳмудовлар оиласига кўпчилик ҳавас билан қарайди. Ёшлигида катта давраларда кураш тушиб, элнинг дуосини олган Рўзикул полвон фаолиятини мураббийликда давом эттирди. Кўкдаладан кўплаб чемпионларни тарбиялаб воёга етказди ва етказмоқда. Айниқса, ўғиллари ота изидан бориб, кам бўлишмади. Тўнгич Жаҳонгир Маҳмудов болалигидан ҳам даъво спорт турларида жиддий қизиқди, Ўзбекистон чемпиони бўлиб, мамлакатимиз терма жамоаси сафига ҳам кирди. Кейинги ўғиллар — Шерзод ва Панжи ҳам спортни танлади. Шерзод Маҳмудов кураш бўйича республика биринчилигида голиб чиқди.

Sportchilar oilasi

Панжи ҳам яхши курашчи чиқди. Чирчиқ олимпия захиралари коллежида таҳсил олди. У ҳам республика мусобақаларида фаол иштирок этиб, эл назарига тушди. Ҳозирги кунда оқошшалигимиз посбонлари сафига. Оиланинг яна бир аъзоси Марс Маҳмудов бир неча бор кураш ва даъво баҳсларида муваффақиятли қатнашиб, 100 килограмм вазн тоифасида мамлакатимизнинг олди полвонларидан бирига айланди. Дзюдо бўйича Ўзбекистон кубогини қўлга киритиб, терма жамоа аъзоси бўлди.

Жорий йилнинг февраль ойида Францияда ўтган халқаро турнирда бронза медалига эришган Марсинг улкан галабалари ҳали олдинда.

Оиланинг яна бир дилбанди Илмира Рўзикулова ҳам спортга бегона бўлмади. Болалигида бўш вақтини спорт залида ўтказган бу қиз волейбол, энгил атлетика, бадий гимнастика бўйича турли мусобақаларда фаол қатнашди. Бунинг устига сабоқни ҳам Қарши педагогика коллежида жисмоний тарбия йўналишида давом эттирди. Бугунги кунда Илмира Кўкдаладаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бадий гимнастика бўйича мураббийлик қилмоқда. Воҳанинг чекка қишлоғида нафис спорт тури бўлмиш бадий гимнастика билан шуғулланувчиларнинг сони йилдан-йилга ошиб бораётганида Илмиранинг хизмати катта.

Спортсевар фарзандлар ҳақида гапирганда уларнинг меҳрибон волидаси Улбош момо ҳақида тўхталмасак бўлмайди. Улбош момо ўғиллари иштирок этадиган йирик мусобақалардан қўлмайди. Кураш бўйича Шахрисабзда ўтадиган Амир Темур халқаро хотира турнири дейсизми, дзюдодан Чирчиқда ташкил этиладиган мусобақаларда, албатта, момони учратасиз. «Алп оналардан...» дейишганидек, Улбош момонинг ўзи ҳам полвонкелбат. Уни кўрганлар Барчийга менгашади, пахлавонларнинг онаси эканлигини илк учрашувданок англашади.

— Фарзандларим билан фахрланаман, — дейди она қалби қувончга тўлиб, — Худога шукр, барчаси ақлли, эсли-хушли бўлиб воёга етди. Невараларим орасида ҳам спортга жон-дилидан қизиқадиган, мусобақа деса кўзлари порлаб кетадиганлари кўп. Масалан, Зафар, Махтумқули, Лочин Қарши шаҳридаги спортга ихтисослашган мактаб-интернатда кураш ва дзюдо сирларини ўрганишмоқда. Омадларини берсин дея дуо қиламан.

... Ҳа, оиланинг кўргонлари мустаҳкам бўлса, фарзандлар ана шундай эл-юртига хизмат қиладиган, обрўсига обрў қўшадиган инсонлар бўлиб камолга етишади.

Маммура МАДРАҲИМОВА

реклама * эълонлар * реклама

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҚҲИДАГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРИГА
МУТАХАССИСЛАРНИ
ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

1. Ўқув-услубий бўлими бошлиғи лавозимига 1та ўрин.
 2. Ўқув-услубий бўлими услубчиси лавозимига 1та ўрин.
 3. Деканат инспектори лавозимига 1та ўрин.
 4. Катта ўқитувчи лавозимига:
- “Информатика ва информация технологиялар” фанидан 1та ўрин;
“Чизмачилик ва чизма геометрия” фанидан 1та ўрин.
- Шунингдек, PhD аспирантура учун талабгорларни суҳбатга таклиф қилади.

Батафсил маълумот учун
[info@polito.uz.](mailto:info@polito.uz;); [www.polito.uz.](http://www.polito.uz)
мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Талабгорлар кўрсатилган йўналиш бўйича 3 йил меҳнат стажига эга бўлишлари ҳамда инглиз тилини мукаммал равишда билишлари талаб этилади.
Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.

Батафсил маълумотлар учун университет ходимлар бўлимига ёки қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин: (371) 246-70-82, (371) 246-20-53.
Манзил: 100095 Тошкент ш.,
Олмазор тумани, Ниёзов кўчаси, 17.
E-mail: [info@polito.uz.](mailto:info@polito.uz;); [www.polito.uz.](http://www.polito.uz)



«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи



«Ўзбекистон» НМИУ корхонаси ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этиб, ноширлик ва матбаа маҳсулотларининг барча турларини, жумладан:

- бадий ва болалар адабиёти;
- ижтимоий-сиёсий адабиётлар;
- энциклопедиялар;
- рангли-безакли маҳсулотлар (альбомлар, плакатлар, буклетлар, манзил папкалари ва бошқалар);
- рақамланган қатъий ҳисобда турувчи бланкалар, чек ва рўйхатга олиш китоблари;
- халқ истеъмоли молларини (импорт ўрнини босадиган), жумладан, А4 ва бошқа форматдаги офис-хўжалик қоғозларини, канцелярия китоблари ва бошқаларни ўзаро шартнома асосида, қисқа муддатларда, юқори сифат даражасида, келишилган нархда тайёрлаб беришини маълум қилади.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси,
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар: 244-34-01, 244-38-93, 244-87-55.

Факс: (3712)244-38-10, 244-37-81.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz Web: www.iptd-uzbekistan.uz

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), "Учитель Узбекистана", Алексей CHUKARIN (mas'ul kotib), "Учитель Узбекистана", Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



ИНДЕКС: 149, 150. Г-718.

Тираж 33294.

Ҳажми 4 босма табоқ. Offset усулида босилган, qog'oz bichlmi А-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Mamur AHLIDINOV.

Navbatchi muharrir:
Dilshod KARIMOV.
Navbatchi:
Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎзА якуни —20.50
Toshirildi — 21.15